O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVI INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ВАЗИРЛИГИНИНГ ОРГАНИ

● 2003 йил, 13 декабрь, шанба № 149 (1881).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 13 декабря, 2003 г. № 149 (1881).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОЙИШИ

«МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши «Обод маҳалла йили» дастурида кўзда тутилган мақсадларнинг мантиқий давоми эканини инобатга олган ҳолда, бошланган эзгу ишларни муваффақиятли давом эттириш, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш борасида барча давлат ва жамоат ташкилотларининг куч ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида:

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби тасдиқлансин.

2. «Меҳр ва мурувват йили»га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ҳамда ташкилий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш Республика комиссиясининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Мазкур дастур қуйидаги устувор йўналиш ва вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим:

— давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг, хусусий корхона ва ташкилотлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг маблағ ва имкониятларини кам таъминланган, кўп болали ҳамда ёш оилаларни, ногирон ва етим-есирларни, бева-бечораларни, боқувчиларидан жудо бўлган якка-ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ҳар бир инсон учун қанот ва таянч бўладиган оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммолар, аввалambор, ишсизлик масаласини ҳал этиш бўйича аниқ ва асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг маҳаллаларда маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ёш авлод тарбияси, кам таъминланган оилаларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ-тартибот, аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан аниқ режаларни белгилаш;

— юртдошларимиз қалбида эзгу туйғуларни уйғотиш, фарзандларимизда ноёб инсоний фазилатларни камол топтириш, бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш каби ибратли хусусиятларни миллатимиз ҳаёт тарзининг узвий ва ажралмас бир қисмига айлантириш, жамоатчилигимиз, бутун халқимизни савобли ишларга баҳолиқудрат ҳисса қўшишга сафарбар этиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни белгилаш;

— одамларимизнинг онги, тафаккури, маънавий дунёси замонга мос равишда ўзгариб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, миллий уйғониш руҳи, миллий ғоянинг жамиятимиз ҳаётига чуқурроқ кириб боришини таъминлашга қаратилган долзарб вазифаларни аниқлаш;

— меҳр ва мурувват тушунчаларининг асоси бўлмиш жамиятимиздаги аҳиллик, фуқароларо тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қиладиган тадбирлар тизимини тайёрлаш;

— жойлардаги маънавий-руҳий муҳитни янада соғломлаштириш, миллий қадриятларимизга асосланган ибратли анъаналаримиз, урф-одатларимизни ва нслом динининг инсонпарварлик моҳиятини ўрганиш ва тарғиб-ташвиқ этишга йўналтирилган илмий-оммабоп, публицистик асарлар, ҳужжатли фильмлар яратиш, турли кўргазмаларни ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига (М. Нурмуродов) ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига (О. Обидов) амалдаги пенсия ва нафақа пулларидан ташқари, республиканинг кам таъминланган фуқароларига қўшимча ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган маблағни излаб топиш ва унинг манбаларини белгилаш юклатилсин.

4. Вазирликлар, Давлат қўмиталари ва бошқа идоралар, бирлашма ва ташкилотлар, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика байналмилал маркази ва бошқа ижтимоий жамғармалар раҳбарларига юқорида зикр этилган мақсадларни амалга ошириш юзасидан аниқ тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

5. Республика комиссияси Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий комплекси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари иштирокида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини янада кенгайтириш бўйича таклифларни 2004 йилнинг биринчи чорагида ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёевга фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини кучайтириш мақсадида амалдаги қонун талаблари ва ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари якунларидан келиб чиққан ҳолда, бир ой муддатда «Фуқаролар йиғинлари тўғрисида»ги намунавий низомни тасдиқлаш топширилсин.

7. Ҳар бир вилоятда «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича вилоят ҳокими раҳбарлигида комиссиялар тузилсин ва улар 15 кун муддат ичида дастурга оид ўз таклиф ва тавсияларини Республика комиссиясига тақдим этсин.

8. Республика комиссияси «Меҳр ва мурувват йили»нинг комплекс дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2003 йил 12 декабрь.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

11 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, чет давлатлар элчилари, дипломатик корпус, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

— Мен бугун Олий Мажлисимиз сессияси кун тартибига киритилган муҳим бир масала, яъни ҳукуматимизнинг бошқарувида ўзгариш қилиш масаласи бўйича ўз фикрларимни билдириб, сиз, халқ нойиблари билан маслаҳатлашиб олмоқчиман. Ҳаммангиз яхши тушунасиз, яхши англайсиз, азиз дўстлар, биз қандай шиддатли, тез ўзгариб бораётган даврда яшамоқдамиз, деди Президентимиз.

Ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган қандай ўта мураккаб ва оғир муаммоларни ечишга тўғри келяпти. Айни вақтда ана шу муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, эл-юртимизнинг эртанги кунини, фаровон ҳаётини таъминлаш вазифалари барчамиздан қандай ҳушёр ва сергак бўлишимизни, масъулиятимиз ва жавобгарлигимизни оширишни талаб қилади.

Бугун ким қаерда, қайси лавозимда ишламасин — қуйи, ўрта ва юқори — барча бўғинларда раҳбарлик лавозимида ўтирган шахслар ҳозирги замон олдимизга қўяётган бундай юксак талабларни ўз мисолида сезаяпти, кўраяпти.

Мамлакатимизда бугун барпо этилган, юқоридан пастгача бўлган ижро тизимини ягона ва яхлит бир система, деб қабул қилсак, бу тизимнинг энг юқори бошқарув поғонаси бўлмиш Ўзбекистон ҳукумати, унинг раҳбари ва аъзолари зиммасига қандай юксак масъулият юкланаётганини англаш қийин эмас.

Ҳеч шубҳасиз, эл-юртимиз, Ўзбекистонимиз кейинги йилларда нимаики натижа ва ютуқларга эришган бўлса, буларнинг барчасида ҳукуматимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Лекин, шу билан бирга, биз фақат қўлга киритган ютуқлар билан чегараланмасдан, ўз фаолиятимизга, қўйган қадамларимиз ва эришган марраларимизга танқидий баҳо беришимиз керак. Ва йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларда, ҳаётимизда мавжуд бўлган етишмовчиликларда ҳар қайсимиз ўз масъулиятимизни холисона кўришимиз ва англашимиз зарур, деди Юртбошимиз.

Ана шундай ҳали-бери ечилмаган масалалар ҳақида сўз юритар эканмиз, мени шахсан, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги соҳаси, умуман, қишлоқ ҳаётида бундай муаммоларнинг кўплиги қийнайди. Албатта, бунинг негизида объектив сабаблар бор ва очиғини айтишимиз керак, уларнинг барчасини ечиш учун ҳозирча бизнинг имконият ва салоҳиятимиз етишмай турибди.

Лекин, бир нарсани тан олиш керак: қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, бу ерда яшайдиган, аҳолимизнинг камида 60 фоизини ташкил этадиган одамларнинг муаммоларини, қийинчилик ва етишмовчиликларини ҳал қилиш, қишлоқда ҳаёт даражаси ва маданиятни юксалтириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз керак.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади: биз оғир табиий шароитда, иқлим кескин ўзгариб, сув ресурслари танқис бўлиб, ер унумдорлиги пасайиб бораётган бир вазиятда жуда катта машаққатли меҳнат эвазига ҳосил олишга эришмоқдамиз, деб таъкидлади Президентимиз.

Табиийки, биз кўпдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, унинг долзарб муаммоларини ечиш тўғрисида бош қотирамиз. Агар ўз вақтида шу масалаларни, яъни бозор иқтисодиёти талаб этаётган янгича мулкий муносабатлар, аввало, ерга эгалик ҳиссиётини шакллантириш, ер унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини замонавий техника билан таъминлаш, фермер ва деҳқон хўжаликларига кенг йўл очиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш, умуман қишлоқ хўжалиги тизимини бугунги кун даражасига кўтариш чорасини кўрмас эканмиз, эртага бундан ҳам кўпроқ муаммоларга дучор бўламиз.

Биз раҳбар бўлиб, бу муаммоларнинг кўлами кенгайиб бораётганини пайқамасак, уларга тик қараш ўрнига ўзимизни улардан олиб қочиш кайфиятига берилиб кетсак, бу пировард натижада яхши оқибатга олиб келмайди.

Бу борада охирги вақтда биз қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ муаммоларни ечиш масаласига жуда кўп эътибор бераётганимиз ва шу бўйича муҳим фармон ва қарорларни қабул қилганимиз сизларга яхши маълум.

Бугун мен шу муаммолар қаторида фақатгина бир масалага урғу бермоқчиман, деди давлатимиз раҳбари. Яъни, қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Шу соҳани бошқарадиган одамларга юксак масъулият билан бирга етарли ваколат ҳам бермасак, ўз-ўзидан аёнки вазиятни сезиларли даражада ўзгартиришга эриша олмаймиз.

Қишлоқ хўжалигини бошқариш, қишлоқ муаммоларини ечиш вазифалари ва масъулияти бугунги кунда кўпроқ жойлардаги вилоят ва туман ҳокимларининг зиммасига тушмоқда. Бу ерда нафақат деҳқончилик маданиятини ошириш, агротехникани юксалтириш, янги-янги технологияларни жорий қилиш масалалари, шу билан бирга, қишлоқда яшайдиган одамларнинг оғирини енгил қилиш, содда қилиб айтганда, қишлоқ аҳолисининг ташвишларини яқиндан билиб, улар билан ҳамдард бўлиб яшаш ана шу вилоят ва туман ҳокимлари, ширкат раҳбарлари зиммасида эканини биз яхши биламиз.

Бу ҳақиқат, лекин шу билан бирга, яна бир ҳақиқат борки, уни ҳам тан олиш керак. Яъни, жойлардан Марказга қўйилаётган талабларнинг вазирликлар, ҳукумат идоралари ва керак бўлса, ҳукуматнинг ўзида ҳал қилиниши жуда кўп ҳолларда қийин кечади ва пайсалга солинади. Лўнда қилиб айтганда, бу масалаларни ечишда Марказда, ҳукуматимизда зарур даражада масъулият етишмайди.

Очиқ эътироф этишимиз лозим — жойлардаги аҳволдан, қишлоқ одамларининг кундалик эҳтиёжларидан хабардор бўлиш, улар қўяётган масалаларни ечиш бизда қандайдир мавсумий бир одатга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқат бўлади. Яъни, биз қишлоқ ҳаётини асосан кўкламги экиш даврида ва ҳосилни йиғиб олиш пайтида кўпроқ Марказдан туриб кузатамиз ва назорат қиламиз.

Шуни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарурки, қишлоқ хўжалиги билан ҳар куни шуғулланиш керак. Қишлоқ ҳаётида учрайдиган катта ёки кичик масала бўладими, даромад ёки буромад бўла-

(Давоми 2-бетда).

● СЕНИНГ ЎҒЛОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

ЙИГИТНИНГ АҲДИ

«Армия сафларидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувват, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган бўлиши, айни вақтда юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ҳам ажралиб туриши лозим», — дея таъкидланади Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг кафолатидир» номли китобида.

Дарҳақиқат, бугун Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган йигитларимизга катта талаблар қўйилган. Ешларни армия сафларига адолатли танлов мезонлари асосида танлаб олиш ҳарбий хизмат нуфузининг ошиб бораётганлигини билдиради. Айни кунларда йигитлик бурчини ўтаётган посбонларимизни ҳақли равишда улар сараланганлардир, деб айта оламиз. Бу сараланганлар орасида ҳам яна энг саралари бор. Ана шундай ўғлонларимиздан бири оддий аскар Мақсуд Юсуповдир. Унинг вазифаси ҳайдовчи-электрик.

Қизғинлик билан бошланиб кетган янги ўқув йилида ўтган мавсум ҳақида гапириш ўринлимикан, деб ўйлашингиз мумкин. Ўтган ўқув йилида эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирилса зарар қилмайди, албатта. Оддий аскар Мақсуд Юсуповнинг бу борада қўлга киритган ютуқлари таҳсинга сазовор. Ижтимоий-сиёсий, жанговар, махсус тайёргарликдан аъло баҳолар олди. Юксак натижаларга эришган посбон йигитга «Ташаккурнома» эълон қилинди.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. Мақсуднинг намунали хулқи, яхши хизматларини эътироф этган ҳолда қисм командири номидан унинг ота-онаси Баҳодир ака ва Раъно опаларга миннатдорчилик мактуби жўнатилди. Тўнғич фарзандининг бундай муваффақияти ота-онасини ҳам беҳад қувонтирди.

Мақсуд асли Самарқанд вилоятининг Пойариқ туманидан. Мактабда ҳам яхши баҳоларга ўқиган. Меҳнатсеварлик, ҳамиша ёрдам беришга тайёр туришдек фазилатлари отаси муаллим Баҳодир акадан «юққан». Булар йигитнинг ҳарбий жамоада муносиб ўрин эгаллашига замин яратди. Эпчил, тиришқоқ посбоннинг аъло хизмати туфайли жанговар машина бирор марта ҳам панд бермаган. Берилган топшириқларни ҳамма вақт бекаму кўст уддалайди.



Қуролли Кучларимизнинг қутлуғ 12 йиллик байрами арафасида туримбиз. Бу байрамга ҳарбийларимиз катта тайёргарлик, яъни, хизматда улкан ютуқларга эришишни мақсад қилиб қўйишган. Жумладан, оддий аскар Мақсуд Юсупов ҳам.

— Ватан олдидаги йигитлик бурчимни шараф билан ўтайман. Янги ўқув йилининг дастлабки кунлариданоқ аввалгидан ҳам яхшироқ натижаларни қўлга киритишга аҳд қилганман. Хизматдаги барча ютуқларим шонли армиямизнинг қутлуғ байрамига менинг туҳфамдир.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

● БУГУННИНГ ПОСБОНИ

Адвокатлик лицензияси бор аскар

Конституциямиз қабул қилинганлигининг 11 йиллигини оддий аскар Ўктам Акромов кўтаринки руҳда кутиб олди. Сабаби бу байрамга қизғин ҳозирлик кўрди, сафдошларига Бош қомусимиз ҳақида билганларини айтиб берди. Тўғри, жамоада тарбиячи офицерлар мазкур сана муносабати билан машғулотлар ўтишди. Аммо Ўктамнинг йўриғи бўлакча-да. Ахир, у олий маълумотли. Қолаверса, Тошкент давлат юридик институтини тугаллаган. Ҳуқуқий мавзуда кўп нарсани билади.

Маълумки, янги қонунга кўра, олий маълумотли йигитларимиз учун муддатли ҳарбий хизмат 9 ой. Шу боис жорий йил баҳорида сафларни тўлдирган Ўктам учун ҳозир айни сарҳисоб пайти. Ҳадемай захирага бўшайди, севимли касби ҳуқуқшунослиқни давом эттиради. Хўш, армия ҳаёти унга нима беради, у Ватан ҳимояси йўлида нималарни қилди?

Оддий аскар Акромовнинг вазифаси мўлжалга олувчи оператор. Аввало қисқа муддатда посбон ўз ихтисослигини пухта ўрганди. Ҳаво-десант тайёргарлиги сир-асрорларини эгаллаб, бир неча бора парашют билан муваффақиятли сакради. Маълумки, ҳар бир ҳарбий жамоада кенг кўламда ҳуқуқий мавзуда ишлар олиб борилади. Мазкур йўналишда иш олиб борувчи офицерларнинг энг яқин ёрдамчисига айланди, Ўктам. Ҳатто у округ доирасида ўтказилган ҳуқуқий мавзудаги анжуманларда тез-тез иштирок этиб, маърузалари билан фаоллик кўрсатди. Қисмда ҳуқуқий йўналишда кўргазмали воситаларнинг қизиқарли чиқишида бу аскарнинг улуши катта. Йигитга қирқ ҳунар ҳам кам, деган нақлни Ўктамга ўхшаганларга татбиқ этса бўлади. У моҳир посбон, ҳуқуқшунос бўлиш билан бирга мусиқачи ҳам. Яъни, болалигида мусиқа мактабида таҳсил олиб, бу соҳани эгаллаган. Шеърлар машқ қилиб туриши эса унинг яна бир маънавий юксаклиги қиррасидир. Қисмда «Заковат» ўйинлари ўтказилганда, йигит гитарада ўзи ёзган қўшиқларни ижро қилиб берган сафдошлари хотирасида узоқ сақланиши аниқ. Қолаверса, қисм клубидаги мусиқа асбобларининг барини бемалол чала оладиган бу ўғлон байрам, тантаналарда сафдошлари учун куй-қўшиқлар ижро этиб келиши бор гап. Қисм кутубхонасига кирганимизда оддий аскар Акромовнинг жамоанинг энг яхши китобхони эканлигини билдик.

Аскар йигитнинг уйига бир неча бора миннатдорчилик мактублари юборилган. Ҳизмати давомида у турли рағбатлар олган. «Интеллектуал даражаси юқори, юксак ақл-идрок соҳиби бўлган бундай аскарлар бизнинг яқин ёрдамчимизга ҳам айланишади. Мен оддий аскар Акромов тимсолида бугуннинг аскарини кўраман», дейди қисм тарбиявий ишлар бўлими офицери-майор А. Алимов.

Демак, хизмат якунида сарҳисоб қилса арзигулик ишлар бор. Шу ўринда эса посбон билан бир оз яқиндан танишсак. Ўктам Қашқадарёнинг Шаҳрисабз туманидан. Ота изидан — адвокат Маҳмуд ака йўлидан бориб, 2002 йилда ҳуқуқшунос бўлди, адвокатлик лицензиясини олди. Капитан Зафаржон Эрқулов командирлик вазифасини бажараётган батальондаги хизматлари хусусида эса тасаввурга эга бўлдингиз.

— Армия ҳаёти умримнинг ёркин саҳифаларидан бири бўлади. Ватан ҳимоячиси қандай бўлиши лозимлигини менга армия ўргатди. Мен келажакда қандай вазифада, қандай ишда бўлмай юртим, истиқлолим ҳимоячиси бўлиб қоламан, — дейди оддий аскар Ўктам Акромов.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

Ш. М. МИРЗИЁЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

Ў. Т. СУЛТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўткир Тўхтамуродович Султонов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин ҳамда унга машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик захиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

Ў. Т. СУЛТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўткир Тўхтамуродович Султонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2003 йил 10 декабрь.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

дими, уларнинг ичига кириб бориш даркор. Ва бу иш мавсумий тадбирларни эмас, кескин ва қатъий чоралар кўришни талаб қилади, деди мамлакатимиз раҳбари.

Биз яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: қишлоқ хўжалигининг унумдорлиги, унинг самараси, оладиган даромад ва фойдаси нафақат қишлоқда меҳнат қилаётган одамларни таъминлайди, балки, барчамиз яхши тушунамиз, бу соҳанинг таъсири бутун иқтисодиётимизда сезилади ва, керак бўлса, шу соҳага алоқадор бўлган барча-барча тармоқларни иш билан таъминлайди. Бу эса охир-оқибатда бутун иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини белгилайди.

Ҳаммамизга яхши маълумки, биз кейинги йилларда ҳукуматимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқарадиган Бош вазир ўринбосари лавозимида кўп-кўп одамларни синадик, шу вазифага кўпгина раҳбарлар келиб кетди. Лекин вазият эскича қолмоқда.

Бугун Бош вазир лавозимида ишлаб келаётган Ўткир Тўхтамуродович Султонов бу борада қўлидан келганича ҳаракат қилаётганини ҳам айтишимиз лозим. Бу инсон ўзига юклатилган вазифага нисбатан масъулияти, меҳнатсеварлиги, бошқарувчилик малакаси, одамларга, ён-атрофдагиларга муносабати билан ҳар қандай ҳурматга сазовор.

Лекин, шуни ҳам тан олишимиз керакки, бу раҳбаримизнинг асосан индустрия-саноат соҳасини, аввалambор, юртимизда жойлашган катта-катта корхоналарнинг ишини ташкил қилишда кўпроқ тажрибаси бор. Қишлоқ хўжалиги соҳаси, қишлоқ муаммолари, уларни ўз вақтида узоқни кўзлаб ҳал қилиш масалалари эътибордан четда қолмоқда, десак, бу ҳам ҳақиқат.

Биз юқорида зикр этилган муаммоларни атрофлича кўриб чиқиб, бамаслаҳат бир хулосага келдик. Султоновни Бош вазир муовини лавозимига, яъни бугунги ҳукуматимиздаги иш тақсимоти бўйича машинасозлик, металлургия, химия, энергетика, нефть ва газ, геология ва шу каби тармоқларни бошқарадиган раҳбарлик вазифасига ўтказишга келишиб олдик.

Бош вазир лавозимига эса кўп ўйлаб, мавжуд вазиятни инобатга олган ҳолда, аввало, ҳудудларимиздаги шароитни яхши биладиган, шу жойларда ишлаётган одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-интилишларидан хабардор бўлган, буларнинг барчасини ўз тажрибаси, ўз ҳаётидан ўтказган одамни тайинлаш маъқул, деган хулосага келдик.

Куни кеча Олий Мажлис Кенгаши ва шу масалага алоқадор бўлган тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Самарқанд вилоятининг ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини таклиф этишга қарор қилдик, деди Президентимиз.

Бу борада яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 93-ва 98-моддаларига биноан 2004 йилнинг декабрида Олий Мажлисимизга бўлиб ўтадиган янги сайловлардан кейин ҳозирги вақтда Президент раҳбарлик қилаётган Вазирлар Маҳкамасини бошқариш вазифаси Бош вазир зиммасига юкланади.

Бундай ўзгаришлар жараёни ўз навбатида ҳукумат аъзоларига ҳам ўта мураккаб ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Шу боис ҳукумат бу вазифаларни самарали адо этиш учун ҳозирлик кўриши ва ўз масъулияти, ўз жавобгарлигини оширишга тайёр бўлиб туриши даркор.

Энг муҳими, аввало, иш услубларини ўзгартириш ва замон талабларига мослаштириш, демократик андозаларга риоя қилиш, тез ўзгариб бораётган ҳаёт суръатларига муносиб бўлиш, бир сўз билан айтганда, эл-юртимиз ишончини қозониш учун ҳукуматимиз бор куч ва тажрибасини, бутун борлиғини сафарбар қилиши керак.

Бугун сессиямиз кун тартибига қўйилган мана шу масала бўйича, яъни ҳукуматимизнинг Бош вазирини таъйинлаш тўғрисидаги Президент Фармонини қўллаб-қувватлайсиз, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари сўзининг охирида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифини Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Э. Воҳидов, Самарқанд давлат университети ректори Р. Холмуродов, Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов, Ургут тумани ҳокими Х. Нуруллаев, «Пахтабанк» акционерлик тижорат банки бошқаруви раиси Қ. Тошматов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б. Йўлдошев ўз чиқишларида қўллаб-қувватлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ш. Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тайинлаш тўғрисидаги ҳамда У. Султоновни Бош вазир ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида Молия вазири М. Нурмуродов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Каримов қўшимча маъруза қилди.

Мамлакатимизнинг келгуси йил учун асосий молиявий ҳужжати муҳокамасида Амударё тумани ҳокими Р. Йўлдошев, парламентнинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари К. Йўлдошев, Қўрғонтепа тумани ҳокими М. Қосимов, Муҳиддин Қориқўбов номидаги академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси директори У. Саиджонов, Наманган вилоятидаги «Осиё» агрофирмаси бош директори Н. Қурбонбоев иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджетини маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М. Умаралиев депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида «Ўзбекинвест» миллий компанияси Фарғона вилояти бўлими директори А. Мўминов, «Андижондонмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси раиси Б. Жалолов, Наманган вилояти ҳокими Э. Бердиев, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И. Бойжонов, «Узмахсуссувдренаж» уюшмаси бошқаруви кенгаши раиси Б. Мамадалиев қатнашди.

Парламент «Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида»ги Қонунни маъқуллади ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сессияда Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси Ўринбосари Р. Каримов «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Хива тумани ҳокими М. Мадаминов, Тошкент шаҳридаги «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д. Тошмуҳамедова, Сариосиё тумани ҳокими П. Мадиев, Хатирчи туманидаги Акмал Икромов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Э. Қаҳҳоров иштирок этди.

Депутатлар янги таҳрирдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М. Умаралиевнинг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонун лойиҳасига оид маърузаси билан бошланди. Ушбу ҳужжат муҳокамасида «Бухоротурист» акционерлик жамияти раиси М. Зокиров, «Фарғонанефтгеккимёмонтаж» масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Р. Жалилов, Андижон шаҳри ҳокими А. Собиров иштирок этди. Парламент «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси Р. Муҳаммадиев, Ўзтелерадиокомпаниянинг «Ўзбекистон» телеканали бош директори А. Аъзам иштирок этди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси Ўринбосари С. Солиевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилди. Самарқанд давлат университети ректори Р. Холмуродов, Ғузор тумани ҳокими Х. Бозоров, Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежи директори З. Оҳунова, «Бухоросувқурилиш» акционерлик жамияти раиси Ўринбосари Э. Ҳайдаров мазкур ҳужжат бўйича ўз фикрларини билдирди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М. Сафаева «Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди. Ушбу масала юзасидан муҳокама чоғида Камаши тумани марказий шифохонаси бош шифокори А. Гофуров, Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш. Салимова, «Урганчёғ» очиқ турдаги акционерлик жамияти директори Ўринбосари К. Хўжамуродов, Ўзбекистон туманидаги 30-мактаб директори М. Анварова, Наманган вилоятидаги Норин — Сирдарё ирригация кўл тизими бошқармаси бўлими мудири Х. Сайдуллаев ўз фикрини билдирди. Парламент ушбу қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Сессияда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси У. Ҳошимов, Наманган давлат университети ректори Т. Файзуллаев, Ургут тумани ҳокими Х. Нуруллаев қатнашди. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов Олий Мажлиснинг қатор қўмиталари ва комиссиялари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини сессияда кўриб чиқиш учун депутатлар эътиборига ҳавола этди ва мазкур қонун қабул қилинди.

Сессияда депутатлар Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларининг туман маъмурий-ҳудудий тузилмаларини тугатиш ҳамда Навоий вилоятининг Навоий тумани чегараларини кенгайтириш ва номини ўзгартириш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламент Олий Мажлис сессияси Котибияти раҳбари Д. Тошмуҳамедованинг фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф. Муҳиддиновнинг таклифига биноан Олий суд таркибига ўзгартишлар киритилди. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломовнинг таклифига кўра Олий хўжалик суди таркибига ҳам ўзгартишлар киритди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси ўз ишини якунлади.

● ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

Ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчи ва мажбурияти

Қисқача **кириш сўзида** яқинда мамлакатимиз аҳли ҳаммамиз учун муҳим ва қадрли бўлган байрам — Конституция куни нишонланаганини эслатиб ўтиш лозим. Чунки, Конституцияда ҳар биримизнинг манфаатимиз кўзда тутилган. У нафақат давлатнинг, Қуролли Кучларнинг, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади, балки ижтимоий ҳаётимизнинг барча томонларини ислоҳ қилиш учун негиз яратди. **Мамлакат Конституцияси ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш учун мустаҳкам пойдевор қўйди ҳамда юртимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролик ва миллатлараро тотувлик, Ўзбекистон халқлари дўстлиги ва бирдамлигининг энг муҳим манбаи бўлди.**

Конституция, шунингдек, Қуролли Кучларнинг ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлади, уларнинг вазифалари ва тарихий аҳамиятини аниқ белгилаб берди. Ўз Конституциявий бурчига содиқ бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари жангчилари янги ўқув йилининг биринчи кунларидан бошлаб юқори самарали жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик. Мудофаа вазири томонидан янги 2003—2004 йили учун қўйилган вазифаларни сифатли ҳал қилиш учун қатъият билан кураш олиб бормоқдалар. Ҳарбий хизматчиларимизнинг янги ўқув йилидаги шиори: **«Ватанга садоқат, касбий маҳоратни такомиллаштириш, мустаҳкам ҳарбий интизом, техника ва қурол-яроғнинг жанговар қўллашга доимо тайёрлиги — қўшинлар юксак жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятининг гаровидир».**

Шиор — бу ҳар бир инсон ёки жамоа фаолиятининг бош ғоясини ифодаловчи қисқа шаклдаги чуқур маъноли иборадир. Визнинг вазиятда эса — бу барча ҳарбий хизматчиларнинг янги ўқув йилидаги фаолиятлари учун асосий йўл-йўриқ кўрсатувчи ғоя. Бу бизнинг яқин келажак учун стратегия ва тактикамиздир. Шиоримизнинг асосий таркибий қисмларини кўриб чиқамиз.

Биринчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, тинчсевар Ватан, худди она каби, инсонда фақат битта бўлишини ҳамда унга нисбатан фарзандлик бурчи — муқаддаслигини, фарзандлик муҳаббати эса чексиз эканлигини эслатиб ўтиш зарур. Ўз Ватанига бўлган чексиз, самимий муҳаббат инсонда, айниқса, Ватан озод, мустақил бўлганда, халқ ривожланишининг ўз йўлини танлаганда ҳамда бугунги куни ва келажагини қура бошлаганда яққол намоён бўлади. Биз ўз йўлимизни — янгиланиш ва тараққиёт йўлини танладик. Биз Ватанимизни севамиз ва унинг муваффақиятлари билан фахрланамиз. Биз Ватанимизга садоқат билан хизмат қиламиз ва уни кўз қорачиғимиздек асраймиз. Ватан тушунчаси мустақиллик ка эришганимиздан сўнг биз учун ҳар доимгидан-да аниқ, қадрли ва азиз, жонажон юртимизга бўлган чексиз садоқатимизни таъминловчи маънавий тушунча бўлди.

Ватан ҳимоячилари билан бўлиб ўтган учрашувларнинг бирида, улар билан самимий суҳбат вақтида давлатимиз раҳбари И. А. Каримов: **Ватан — бу мавҳум тушунча эмас. Ватан — бу, аввало, ота-она, қадрдон гўша, севимли қиз, қариндошлар ва дўстлар. Бу муқаддас тушунчалар Ватанга муҳаббат ҳиссини дунёга келтиради. Мен шуни айтмоқчиманки, — давом эттирди Юртбошимиз, — Ватанни ҳимоя қилаётган жангчининг кўз олдида биринчи навбатда ота-онаси, туғилиб ўсган гўшаси, севгилиси ва яқинлари туради. Шунинг учун ҳам Ватанни фақат унинг ҳақиқий ўғлонлари ҳимоя қила оладилар.**

Ҳа, Ватанни, фақатгина унинг ҳақиқий ўғлонлари, юртга садоқатли кишилар, ҳақиқий ватанпарварлар ҳимоя қила олади. Ватанпарварлик ҳисси — бу буюк ҳиссиёт, у инсонда оилада, мактабда, лицей, коллеж, олий ўқув юртида, меҳнат ва ҳарбий жамоаларда тарбияланади. Бу ҳиссиёт инсонни руҳлантиради, уни Ватанини янада фаровон, гуллаб-яшнаган, қудратли бўлиши учун ҳаракат қилишга ундайди. Бу ҳиссиёт ҳарбий хизматчида энг юқори маънавий-ахлоқий сифатларни ва, аввало, ўз мустақил Ватани, қадрдон ери, халқининг тинч ҳаёти ҳимоясига туришга доимо шай бўлиш ҳамда уларни қаҳрамонона, моҳирона, ўз қони ва жонини аямасдан ҳимоя қилиш каби сифатларни шакллантиради. Чунки дунёда Ватани, унинг сарҳадларини ва ўз халқининг тинч ҳаётини ҳимоя қилишдан муқаддасроқ бурч йўқ. Шу билан бирга ликда, ватанпарварлик — бу инсоннинг ўзи туғилиб-ўсган, аждодлари қабри жойлашган қадрдон ерларга боғлиқлиги ҳамдир. **Бизнинг ватанпарварлигимиз — бу Ватанга, қадрдон еримизга, ўз халқимизга бўлган чуқур муҳаббатимиз, ўз манфаатларимиз ҳамда Ватан ва халқ манфаатлари узвий боғлиқлигини тушуниш, ўз мамлакатимиз, унинг мустақиллик йўлида эришган муваффақиятлари билан фахрланиш ҳисси ҳамда уни ҳар қандай босқинчидан, у қандай шакл ва кўринишда бўлмасин, ҳимоя қилишга доимо шай бўлишдир.**

Ватанпарварлигимиз қандай асосий белгилар билан характерланади?

Биринчидан, ватанпарварлигимизнинг энг асосий белгиси **бизнинг мустақил Ватанга муҳаббатимиз миллий ғоямиз, мустақиллик ғоялари билан бирлашиб кетганлигидир.** Янги жамият, келажаги буюк давлат қура туриб, ҳар биримиз аввало Ватан буюклиги, халқ фаровонлиги ва унинг хавфсизлиги ҳақида ўйлаймиз. Мустақилликка эришиш билан бирга туғилган Ватан ҳисси ҳозирда янада чуқур маъно касб этмоқда. Биз фаровон, сербарака еримизда, буюк аждодларимиз ерида мустақиллик ғояларини амалга ошириш, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз.

Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ватанни фақат инсон туғилган жой сифатида тушуниш билан чегараланиб бўлмайди. У бизнинг миллий ғоямиз, миллий мустақиллик мафкураси, янги жамият қуриш борасидаги ислоҳотларимизнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Ислоҳотларимиз моҳияти мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг IX сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» номли дастурий маърузасида ҳар томонлама кенг очиб берилган.

Иккинчидан, ватанпарварлигимизнинг характерли белгиларидан бири **мустақил Ватанга муҳаббатимиз мустақиллик ғоялари, ўз жонажон еримиз, халқимизга садоқатимиз билан чамбарчас боғланганлигидир. Ватанга, халққа, Президентга садоқат — ватанпарварлигимизнинг энг олий намунасидир.**

Айнан мустақиллик ғояларига содиқлик, Ватанга, халққа ва Президентга садоқат жангчиларимизга жонажон юртимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишларида ёрдам бермоқда. Улар 1999—2000 йилларда Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудларида муқаддас еримизга бостириб кирган халқаро террорчи ва диний экстремистлар тўдаларини ўраб олиш ва йўқ қилиб ташлаш бўйича муваффақиятли операциялар ўтказишда жангчиларимиз учун муҳим сафарбарлик омили бўлди ва катта ёрдам берди.

Учинчидан, ватанпарварлигимиз таъсирчан, жалб қилувчи куч сифатида намоён бўлади. У кузатувчанлик эмас, яратувчанлик характерига эга бўлиб, инсонни мустақил Ватан шарафи учун буюк ишларга ундайди. Мустақиллигимизнинг ўн икки йили мамлакатимизга кўплаб қаҳрамонларни берди, минглаб юртдошларимиз, шу жумладан Қуролли Кучларимиз жангчилари ҳам шавкатли, фидокорона меҳнатлари учун Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Тўртинчидан, ватанпарварлигимиз жипслигини, Ўзбекистон Республикасидаги барча миллат ҳамда элатларнинг дўстлиги ва бирдамлигини, халқимизнинг фуқаролик, миллатлараро ва динлараро тотувлигини, унинг маънавиятини ифода қилади. Ватанпарварлигимизнинг бу белгиси ҳарбий жамоаларимизни жипслаштирувчи, мустаҳкамловчи қудратли куч сифатида намоён бўлиб, улардаги жанговар дўстлик, ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби сифатларни тасдиқлаб беради.

Ватанпарвар бўлиш — бу давлат фуқароларининг маънавий-ахлоқий бурчи, мажбурияти. Мустақил Ватанимизнинг ватанпарвари бўлиш — ўз шонли юртининг, ерининг ҳамда меҳнатсевар ва бунёдкор халқининг муносиб фарзанди бўлиш демакдир.

Жангчилар ўз Ватанларига бўлган муҳаббатларини амалий ишлари, кундалик фидокорона меҳнатлари, олинган мажбуриятларни муносиб бажаришлари, жанговар шайликни оширишнинг янги йўллари ва усулларини бўйича изланишлари билан тасдиқламоқдалар. Уларнинг ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазият мураккабликлари ва олдиларида турган вазифалар масъулиятини чуқур тушунишлари Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони томонидан Ватанимизни ҳимоя қилиш бўйича қўйилган вазифаларни жонбозлик билан бажаришда жангчиларимизга куч ва қатъият бахш этмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, **Ватанга, халққа, Президентга садоқат — ҳарбий хизматчининг ҳарбий Қасамёд ва умумҳарбий Низомларда мустаҳкамланган энг муҳим маънавий-жанговар ва руҳий сифатларидир.** Бу унинг мажбуриятлари ҳамдир. Ички хизмат низомида: **ҳарбий хизматчи «ҳарбий Қасамёдга содиқ қолишга, ўз халқига фидойиларча хизмат қилишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини матонат, маҳорат билан, сўнгги томчи қони ва ҳатто ҳаётини аямасдан ҳимоя қилишга, ҳарбий бурчни бажаришга мажбурдир»** деб таъкидланган.

Ватан ва Ватанга садоқат — бу ажралмас тушунчалардир. Ватанга садоқат — душманлар билан курашда буюк, енгилмас кучдир. Ва бу кучни жангчиларимизга қадрдон замин, Ватан, уларни тарбия қилган халқ беради. Биз — Ватан ҳимоячилари доимо ёдда тутмоғимиз зарурки, биз ўз қадрдон уйимиз — Ўзбекистонимизни ҳимоя қилмоқдамиз. Ва уни доимо бор восита ва имкониятларимиз билан ҳимоя қиламиз. Ҳар бир жангчи кундалик ҳизматда, жанговар навбатчиликда ёки Ватан ҳимояси учун жангга киришганда унинг ортида бутун мамлакат, халқи турганлигини чуқур ҳис қилмоғи, билмоғи лозим.

Ватанга садоқат — бу ҳарбий хизматчининг касбий ва жанговар маҳоратини, унинг интизомлилигини таъминлаб турувчи, сафарбар этувчи ва руҳлантирувчи буюк куч бўлиб, Қуролли Кучларимизни биз яшаётган ҳозирги мураккаб давр қўяётган вазифалар даражасига кўтаради.

Иккинчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, **Ватанга, халққа ва Президентга садоқат, ўз моҳияти жиҳатидан, жангчининг маънавий кучи мустаҳкамлиги негизини ташкил этади.** Унинг юқори маънавий-жанговар ва руҳий сифатлари жангнинг бориши ва натижасини олдиндан белгилаб беради ва душман устидан ғалабага эришишни таъминлайди.

Жангчининг маънавий, ахлоқий, жанговар ва руҳий сифатлари жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик мобайнида шаклланади. Шу сабабдан, бутун жанговар ўқув, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ва тарбиявий ишлар, аниқроғи, жангчининг бутун ҳарбий хизмати олдинга қўйилган вазифаларни қатъий амалга оширишга бўйсундирилган бўлмоғи лозим. **Бунинг асосини касбий маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш, мустаҳкам ҳарбий интизом, техника ва қурол-яроғнинг жанговар қўллашга доимо тайёрлиги ташкил этади.**

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг IX сессиясида қилган ўз маърузасида **мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз ҳақиқий профессионал Қуролли Кучларни яратиш» деб таъкидлаган эди.** Бу бизнинг ҳарбий қурилишдаги бош йўналишимиздир, Мудофаа доктринаси ва Қуролли Кучларни шакллантириш дастури асосида армиямизни модернизация қилиш (замонавийлаштириш), унинг принципиал янги тизимларини шакллантириш, ҳарбий округлар, махсус қисм ва бўлинмалар яратиш бўйича муҳим қадамлар ташланди. **Жанговар тайёргарликда ҳарбий хизматчининг профессионаллиги (касбий маҳорати) биринчи ўринга чиқмоқда.**

Мана бир неча йилдирки, ўқув йили учун қабул қилинган жанговар шиорда ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш масаласи ҳарбий хизматчиларимиз фаолияти бош ғоясининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолаётгани ҳам тасодиф эмас.

Хўш, ҳарбий хизматчининг профессионализми (касбий маҳорати) ўзи нима?

Бу нафақат ҳарбий хизматчининг ўз ҳарбий касбини ва юқори жанговар маҳоратни эгаллаши. Бу масалага кенгроқ кўламда ёндашиш керак. **Профессионализм — бу ҳарбий хизматчи билимларининг чуқурлиги ҳамда унинг мантиқий фикр юритиш ва ҳаракат қилиш қобилияти. Бу ҳарбий хизматчи шахсининг маънавий бойлиги ва ахлоқий ҳиссиётларининг олижаноблиги. Бу ақл, маънавий ва жисмоний етуклик бирлиги, билим ва малакаларнинг сайқалланганлиги ҳамда уларни жанговар вазиятнинг энг мураккаб шароитларида ҳам қўллай олиш маҳорати.**

Эслатиб ўтамиз, Қуролли Кучлар Ички хизмат Низоми ҳарбий хизматчидан **«ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллашни, ўз уқув ва аскарий маҳоратини такомиллаштиришни»** талаб этади. Айнан мана шу талаб остида профессионализм, юқори жанговар маҳорат туриби.

Бу талабнинг мазмун-моҳияти қандай ва у нимани кўзда тутади?

Биринчи. Аввало, юқори савиядаги ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, минтақа ва жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятни чуқур билиш ва ундан тўғри амалий хулосалар чиқара олиш.

Иккинчи. Ҳарбий касб бўйича билимларни виждонан эгаллаш, **жанговар техника ва қурол-яроғларни аъло даражада билиш, техника билан ишлаш ва уни жанговар қўллашга тайёрлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажаришда мустаҳкам кўникмаларга эга бўлиш,** техникага хизмат кўрсатиш ва камчиликларни мустақил равишда йўқ қилиш маҳорати.

Учинчи. Профессионализм, шунингдек, техник томондан яхши қуролланган ва айёр душманга қарши жангга **юқори маънавий-руҳий тайёр бўлишни,** ўзида кучли ирода, сабот-матонат, жасурлик, жисмоний чиниқиш ва чидамлилик, ташаббускорлик, ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш, аскарий дўстлик ҳиссиётларини шакллантиришни ҳам кўзда тутади. Ҳақиқий жанг шароитларига яқинлаштирилган вазиятларда ҳаракат қилиш, душманни, унинг қуролланиши, ҳаракат қилиш тактикаси, мафкураси ва руҳий тайёргарлигини ҳар томонлама билиш маҳорати ҳам шулар жумласига киради.

Тўртинчи. Ўз ҳарбий билимларини доимий равишда такомиллаштириб бориш, бир-бирига боғлиқ мутахассисликларни эгаллаш. Тоғ-фа малакасини доимо ошириб бориш, жанговар иш нормативларини қисқартириш, тунги шароитларда тоғли ва чўл ҳудудларида, аҳоли яшайдиган жойларда ҳаракатлана олиш маҳорати. Барча ушбу ҳолатларда ҳушёрлик кўрсатиш, жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматни намунали олиб бориш.

Бешинчи. Бўлинма, қисм олдида турган вазифаларни бажаришда **ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга, жангчиларда юқори интизомлилик ҳиссини шакллантиришга** алоҳида эътибор қаратиш лозим. Жангчининг интизомлилиги ва юқори жанговар шайлик — ажралмас бўғинлардир.

Интизомлилик жангчининг маънавий руҳиятини мустаҳкамлайди, унда юқори ахлоқий-жанговар ва руҳий сифатларнинг шаклланишида ҳамда бу сифатларнинг душман билан қуролли тўқнашувда намоён бўлишига ёрдам беради. Жангчиларнинг юқори интизомлилиги — бу буйруқларни бажаришдаги аниқлик ва равшанлик, бу бўлинмалар ҳаракатидаги уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, бу тезкорлик ва барча ўқув-жанговар вазифаларни юқори сифатда бажариш демак.

Яна бир бор таъкидлаймиз: интизомлилик — бу ҳарбий хизматчининг энг муҳим маънавий-жанговар ва руҳий сифатлари, юқори жанговар интизом эса — жангчининг жанговар ўқув ва жангдаги муваффақиятлари асосидир. Ҳарбий хизматчи учун интизомли бўлиш нимани англатади?

Интизомли бўлиш — бутун ҳарбий хизмат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, ҳарбий Қасамёд ва умумҳарбий Низомлар талабларига қатъий риоя қилиш, командир ва бошлиқлар буйруқларини сўзсиз бажариш заруратини чуқур англамоқ демак.

Интизомли бўлиш — топширилган вазифага юқори масъулият билан ёндашиш, жанговар ўқув ва жанговар шайлик масалаларини сифатли ҳал қилиш, тактик машқлар ва машғулотларда гайрат билан ҳаракат қилиш, қунт-матонат билан олинган мажбуриятлар бажарилишига эришиш демак.

Интизомли бўлиш — ўзида аниқлик, бажарувчанлик, ҳарбий низомлар талабларига ҳурматни шакллантириш, ташаббускорлик, тошқирлик ва ижодкорлик кўрсатиш, ўзини, ўз хатти-ҳаракатини бошқара олиш демак. Шунингдек, бўлинмада низомий тартиб ўрнатишда командирга ёрдам бериш. Ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга қўшаётган ўз ҳиссасини танқидий баҳолай олиш. Ҳарбий жамоада низомий ўзаро муносабатлар, жанговар дўстлик ва ўртоқлик ҳиссини мустаҳкамлаш учун қатъий курашиш.

Интизомли бўлиш — ҳарбий ислоҳотларнинг аҳамияти ва заруратини чуқур англаб етиш ва ҳушёрлик ҳамда жанговар шайликни ошириш бўйича қўмондонлик томонидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаол ҳаракат қилиш демак. Саботматонат билан ўзини мустақил Ватан ҳимоясига, дунё цивилизацияси, фан ва маданият ютуқлари, инсоният фаровонлигига хавф солаётган халқаро террорчи ва диний экстремистларга қарши аёвсиз курашга тайёрлаш.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, Ватанга садоқат, касбий маҳоратни такомиллаштириш, мустаҳкам ҳарбий интизом, техника ва қурол-яроғнинг жанговар қўллашга доимо тайёрлиги — бу ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчидир. Ана шу таркибий қисмлар, шунингдек, мустақил Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ҳимоясида ҳушёр турган қўшинларимизнинг юксак жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятининг гаровидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.

ТОЛЕРАНТНОСТЬ И ТЕРПИМОСТЬ

Не так давно Узбекистан посетила директор программы «Международная безопасность и энергетика» при американском аналитическом Центре им. Р. Никсона Зейно Баран.

В ходе своего визита она приняла участие в работе международной конференции «Роль ислама в обществе», прошедшей в г. Самарканде, а также провела ряд встреч с представителями духовенства республики, неправительственных организаций и академических кругов Узбекистана.

На днях по итогам поездки в Узбекистан она выступила с докладом на научном семинаре, состоявшемся в Центре им. Р. Никсона в г. Вашингтоне. В работе семинара приняли участие представители академических кругов, Конгресса, Государственного департамента, Пентагона, министерства юстиции США, сотрудники международных организаций, дипломаты из стран Центральной Азии и Закавказья.

В своем выступлении З. Баран дала высокую оценку усилиям правительства нашей страны, направленных на поддержку толерантного ислама, восстановление исторического наследия традиционных исламских школ, зародившихся в Узбекистане. В частности, она отметила, что за годы независимости в Узбекистане были открыты сотни мечетей, создан единственный в регионе Ташкентский исламский университет, переведен на узбекский язык «Коран». По словам докладчика, все это говорит о том, что руководство Узбекистана придает важное значение развитию религиозного образования в республике.

При этом З. Баран обратила внимание присутствующих к тому, что с первых лет независимости узбекское правительство проводило открытую политику в отношении представителей различных конфессий, что способствовало развитию свободы вероисповедания в республике. «Однако в начале 90-х годов, используя сложившиеся условия в Узбекистане, эмиссары таких радикальных течений, как «Хизб ут-Тахрир», «Ваххабизм» проникли в республику и стали активно пропагандировать идеологию экстремизма», — сказала она.

Оценивая деятельность «Хизб ут-Тахрир», З. Баран отметила, что идеологи этой радикальной организации пропагандируют свою интерпретацию Корана, которая сильно искажает нормы и требования традиционного ислама. Они полностью отрицают общепринятые демократические нормы и ценности, возможность создания открытого общества в мусульманской стране.

Особо была подчеркнута та большая опасность, которая исходит со стороны экстремистских религиозных организаций, не только для региона Центральной Азии, но и для стран Западной Европы и США.

После окончания семинара в Центре им. Р. Никсона госпожа З. Баран дала интервью информационному агентству «Жахон».

— Недавно вы посетили Узбекистан. Какой была цель вашего визита?

— Это был мой первый визит в Узбекистан. Его целью было участие в конференции на тему «Роль ислама в обществе», которая прошла в городе Самарканде.

— Не могли бы вы поделиться своими впечатлениями от увиденного в Узбекистане?

— Первым и наиболее запоминающимся впечатлением моего визита в Узбекистан было гостеприимство узбекского народа. Мне было очень приятно видеть, что в Узбекистане предприняты очень важные и серьезные шаги в области достижения гражданского и религиозного согласия в обществе.

К сожалению, в США не все хорошо знают об успехах, достигнутых во всех сферах жизни Узбекистана. Для меня очень важно то, что я смогла увидеть конкретные шаги по пропаганде и поддержке толерантного традиционного ислама как со стороны государства, так и со стороны неправительственных организаций. Что же касается моих многочисленных встреч с представителями официальных, общественных, академических и религиозных кругов, то они были очень полезными.

— Как вы оцениваете опыт Узбекистана по поддержке и развитию традиционного ислама?

— В США я вернулась с твердым убеждением в том, что Узбекистан может стать моделью для центральноазиатских стран, в частности, примером, когда ислам может сочетаться с идеями демократии и экономическими реформами. Конечно, стране еще предстоит пройти большой путь, но я с удовлетворением отметила, что в настоящее время уже очень многое в этом направлении сделано.

Теологический аспект этого вопроса сейчас несколько ускользает из поля зрения, так как в мире больше внимания уделяется событиям в Ираке. И поэтому в настоящее время, как мне кажется, чувствуется отсутствие достаточного внимания к тому, как терроризм пытается использовать положения ислама для оправдания своих методов и целей. Проблемы стабильности и мира требуют, чтобы был проведен «водораздел» между религией и теми, кто спекулирует ею, а также между теми, кто проповедует традиционный, толерантный ислам, и теми, кто поддерживает экстремизм. В этом отношении Узбекистан с его такими известными для всего исламского мира древними городами, как Бухара и Самарканд, является очень важным звеном для того, чтобы довести до мировой общественности истинные ценности ислама. В этом направлении узбекское правительство достигло положительных результатов, но впереди, как я уже подчеркивала, еще предстоит большая работа для того, чтобы развить этот опыт.

— Хотелось бы узнать ваше отношение к вопросу использования религии в политических целях, как это делает так называемая партия «Хизб ут-Тахрир»?

— Сейчас в мире наблюдается тенденция роста религиозности, причем, не только в исламе, но и в других религиях — иудаизме и христианстве. Из-за отсутствия альтернативы политической теории демократии реакционные силы пытаются использовать этот рост религиозности, создавая на его основе базу для своих экстремистских учений. Они понимают, что религиозные идеи привлекательны и могут служить хорошей основой для организации какого-либо политического движения. Учитывая, что речь идет о воздействии религии на сознание людей, многие воспринимают эти искаженные экстремистские идеи, как обещание благ загробной жизни и перестают интересоваться какими-либо достижениями в этой жизни. Безусловно, это очень опасная тенденция.

Сейчас появились серьезные основания говорить о том, что «Хизб ут-Тахрир» проявляет себя и в Ираке. Я думаю, что эти тенденции позволяют делать вывод о том, что такие организации, как «Хизб ут-Тахрир», становятся предметом озабоченности для всего мира. Мы видим, что экстремизм — это отсутствие терпимости.

Я уверена, что нынешний опыт Узбекистана в отношении религии может помочь нам лучше понять традиционный ислам.

ИА «Жахон».

● ЭЛЛАЙД ЭКШИН—2003

БОСФОРДАГИ ҚИЗ ҚАЛЪАСИ

(УЧИНЧИ МАҚОЛА)

15 ноябрь, шанба. Одатдагидек эрталаб соат еттида машқлар ўтаётган марказга келдик. Ҳар бир иштирокчи белгиланган вазифани бажаришга киришди. Мен ва матбуот бўлими бошлиғи майор Юнол Сокуқчу (Туркия Қуролли Кучлари вакили) эрталабки ахборотлар билан танишдик. Электрон почтага келиб тушган маълумотларни олдик. Опал ва Коралдаги можаро, тинчликпарвар кучларнинг бу ерда олиб бораётган миссияси, турли фавқулодда ҳолатлар хусусида халқаро, миллий маҳаллий ахборот воситаларидан хабарлар тўпладик. Масалан, НАТОнинг Коралдаги ҳарбий ҳаво кучлари базасига иккинчи бор ҳужум бўлгани, ўлган ва ярадорлар борлиги ҳақидаги хабар ёки НАТОнинг КС10 русумли қирувчи самолётининг ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабарлар. Олдинги мақолаларимизда айтиб ўтганимиздек, бари шартли равишда олинган. Ахборотлар таҳлили шуни кўрсатдики, матбуотда кўпроқ ҳалокатлар билан боғлиқ маълумотлар бор. Ҳатто «Опал дейли» газетасида ЖФОРнинг Коралдаги ҳарбий ҳаво кучлари базасига террорчилар томонидан бўлган ҳужум, қурбонлар ва ярадорлар борлиги хусусида ёзилган. Хуллас, энг муҳим ахборотларни саралаб, эрталабки брифингда улар ҳақида қисқача сўзлаб бердик. Марказ бошлиғи подполковник П. Клингвалл умумий вазият, қўмондонликдан олинган топшириқлар, бугун бажаришимиз лозим бўлган ишлар хусусида тўхталди. Сўнгра ҳар биримиз ўз вазифамизга киришдик.

Бир оз бўш вақтим борлиги учун интернетга кириб, Ўзбекистон ҳақида, Ватаним билан боғлиқ сўнгги янгиликлар билан танишдим. Қолаверса, Марказий Осиё билан боғлиқ сўнгги хабарларни ҳам. НАТО — Ўзбекистон ҳамкорлиги борасида маълумотлар билан танишиб бўлгач, яна ўз вазифамни бажаришда давом этдим.

Соат тахминан ўнлар эди. Туркча СНН дан янгиликларнинг махсус сони эфирга узатилди. Тўғридан тўғри эфирга узатилаётган кадрлар Истанбулда террор бўлганидан дарак берарди. Янгиликлардан дастлаб портлашнинг қачон ва қаерда содир этилганини билиб олдик. Соат тўққиз яримда Истанбулнинг Шишли деган жойидаги Бетх Исроил, орадан тўрт дақиқа ўтиб Бейўғли Куледибининг Неве Шалом синагоглари ёнида бомба портлаган. Марказимиздаги турк ҳарбийларининг айтишича, портлаш бўлган жой машқлар майдонидан 15 километрча узоқликда экан. Ҳеч кимнинг бирон иш қилишга қўли бормади. Марказдаги турли миллат вакилларининг бари терроризмни қоралади. Нафрати билиниб турарди. Фикрлар ҳам деярли бир жойдан чиқди. Терроризмнинг миллат, дин танламаслиги, у инсониятга қарши қаратилган ваҳшийлик, хунрезлик эканлигини барча бир-бир ёқлади. Келинг, шу ўринда Туркиянинг «Миллият» газетасида чоп этилган материаллар асосида бу хунрезлик хусусида сўзлаб берайлик. Неве Шалом синагогида террорчилик актлари 1986, 1992 йилларда ҳам кузатилганди. «Портлашларда 20 киши ҳаётдан кўз юмиб, улардан бири 12-13 ёшидаги қиз бола эди» деб ёзади «Миллият». Сўнгра маълум бўлишича, бу қизалоқ 8 ёшида бўлиб, бувиси билан шанба ибодатига борган экан. Бегуноҳ инсонларнинг қонини тўкди, бу террор. Газетада воқеа жойидан суратлар, қурбон бўлганларнинг айримларининг маълумотлари, мудҳиш воқеа содир бўлган жойда ёки яқинида бўлганларнинг даҳшатли манзара ҳақидаги гаплари берилган. Интернет орқали бошқа мамлакатлар етакчи оммавий ахборот воситаларини ҳам кузатдик. Барчасида мазкур террор хуружининг даҳшати ҳақида лавҳалар, мақола, суратлар берилган. Касбим журналист эмасми, шу ўринда оммавий ахборот воситаларининг воқеа-ҳодисага тезкор муносабати ҳавасимни келтирди. Юқорида айтилганидек, маҳаллий телевидение террордан кейин ярим соат ўтар-ўтмас ахборотлар бера бошлади. Чамаси бир соатлар ўтиб, СНН мухбири воқеа жойидан ахборот берди. Интернетда эса аллақачон портлашлар хусусида турли фикрлар, маълумотлар жам эди. Кайфиятимиз—тушкун, барчамиз телевизор қаршисига бориб, вақти-вақти билан берилаётган янгиликларни кузатамиз. Шунда сезаман, бугунги шароитда ҳаётни ахборотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳатто ривожланган мамлакатлардаги меъёр билан ўлчанганда, ахборотдан узоқ одам маданиятдан, тараққиётдан ҳам узоқдек бир гап. Дейлик, эрталаб нонушта қила туриб, газеталардан энг сўнгги янгиликларни ўқиш одатий бир ҳолга айланган.

Тушкун ҳолатдан бир оз чиқиш учун бўлимдаги турк офицерлари билан Истанбул хусусида суҳбатлашамиз. Масалан, Истанбул бўғози (Босфор)даги Қиз қалъаси эътиборимни тортди. 12 асрга мансуб бу ёдгорлик Истанбулнинг романтик рамзи ҳисобланаркан. XVIII асрда ҳозирги кўриниши ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирдан чиқарилган. Кемада Бешиктош станциясидан Кадиқўй бекати сари сузар эканмиз, Қиз қалъаси ёнидан ўтдик. Шунда бу қалъа тарихи ҳақидаги афсонага ўхшаш воқеа хаёлимдан кечади. Шоҳнинг тушида севимли қизини илон чақиб ўлдиради. Тушнинг таъбирини чақишганда, ҳақиқатан ҳам шундай бўлишини айтишади. Тақдирнинг бу ёзуғидан қочиш учун шоҳ бўғозга қизи учун қалъа қурдиради. Сувликка қурилган бу қалъага қайиқда озиқ-овқатлар олиб-бориб турилган. Буни қарангки, бир сафар озиқ-овқатлар ичига илон кириб, қалъага боради ва қизни чақиб ўлдиради. Бу воқеа ҳақиқатга қанчалар яқин ёки узоқлигини билмайман. Шуни биламанки, мазкур тарихий ёдгорлик ўзига хос гўзал.

16 ноябрь куни бир гуруҳ журналистлар учун (шартли равишда) матбуот конференцияси уюштирдик. Бир кун олдин ким, қанақа вазифани бажаришни белгилаб олдик. Эстониялик сержант Рандвер журналистларни аккредитациядан ўтказди. Биз пресс релизлар тайёрладик, журналистларни кутиб олиш, кузатиш билан шуғулландик. Қўпмиллатли тезкор кучлар қўмондони генерал-лейтенант Жан Чарлинг журналистларга қисқача баёнот бериб, вазият хусусида маълум қилди. Қўплаб саволларга жавоб берди.

«Эллайд экшин — 2003»нинг ёпилиш маросимидан сўнг қўмондоннинг сиёсий маслаҳатчиси Франция Мудофаа вазирлиги вакили Александра Новоселофф билан қисқача суҳбатлашишга имкон туғилди.

— Машқлар кўнгилдагидек ўтди, деб ўйлайман. Қўпмиллатли тезкор кучлар олдиларига қўйилган вазифаларни ҳамкорликда муваффақият билан ҳал этишди, — деди у суҳбатининг аввалида. Ўзбекистонлик эканлигимизни билгач, юртимиз ҳақида таассуротларидан сўз очакетди. Маълум бўлишича, у Бухоро, Самарқанд, Хива, Фаргона каби шаҳарларимизни зиёрат қилган. Бой маданиятимиз, тарихимиз, маънавиятимиз лол қолдирганидан-да сўзлади.

Шу куни Ўзбекистонлик ҳарбийлар мамлакатимиз билан қизиққан бошқа юрт ҳарбийларига китоб, журнал, эсдалик совғалар беришди. Айниқса, швейцариялик бир офицер жаннат юртимиздан сўз очувчи инглизча журнални варақлаб туриб, «Ўзим учун шундай ажойиб бир ўлкани кашф этгандек бўлдим», деди. Ёки бўлмаса америкалик бир ҳарбий «Ўзбекистон ҳақида шу пайтгача унча кўп билмаганимдан афсусламан», деди баралла. Очиғи, Ватан ҳақида бундай илиқ гапларни эшитиб, бир оз юрт соғинчи ўртади. Ўзбекистонга қайтадиган кунни орзиқиб кута бошладик. Ҳарбийларимиз юртимизга билимларини, тажрибаларини орттирган ҳолда, кўплаб миллат вакилларидан дўстлар орттирган ҳолда қайтишди.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири. Истанбул — Тошкент.

Марказий офицерлар уйида Мудофаа вазирлиги офицерлари орасида ОИВ/ОИТС (Одам иммунитет вируси/Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми) профилактикаси бўйича машғулот раҳбарлари тайёрловчи ўқув семинари бўлиб ўтди.

Инсон қудрати чегара билмайдигандек, гўё. Унинг бугунгача эришган муваффақиятлари адоқсиз. Аммо, тараққиёт қанча илгарламасин, ер юзининг қайсидир бурчагида очлик, қаердадир урушлар давом этмоқда. Улардан ҳам даҳшатлиси — ўлат ҳамон инсоният билан ёнма-ён.

ЮНЭЙДС ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2003 йил 25 ноябрда эълон қилган маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 40 миллион одам ОИВ билан яшамоқда. Уларнинг 2,5 млн.дан кўпроғи 15 ёшдан кичик бўлган болалардир.

2003 йилда 5 млн. киши ОИТС билан касалланган, уларнинг 700 минг нафарини 15 ёшдан кичик болалар ташкил қилади.

2003 йил ОИТСдан 3 млн. киши ўлган. Уларнинг 2,5 миллиони катта ёшлилар бўлса, 500 минг нафари 15 ёшдан кичик болалардир.

Пигирма йиллар муқаддам бесоқолбозлар орасида даволаш мураккаб деб топилган касаллик бугун бутун ер юзида ОИВ/ОИТС номи билан глобал муаммога айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз олдига минг йиллик бўсағасида тараққиёт соҳасида саккизта асосий мақсад қўйди. Улардан бири, аниқроғи, олтинчиси ОИВ/ОИТСга қарши курашдир. БМТга аъзо барча давлатлар ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш борасида ўзаро ҳужжат имзолаганлар.

Миллат, давлат танламайдиган бу касалликнинг Марказий Осиё давлатларида ўсиб бораётганлиги кузатилмоқда. 2003 йил 1 ноябрга келиб Қозоғистонда 4000, Қирғизистонда 467, Тожикистонда 119, Туркманистонда 2 кишида ОИВ/ОИТС борлиги расмий равишда қайд қилинган.

БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича тематик гуруҳи Ўзбекистонда ОИВ/ОИТС тарқалишининг олдини олиш учун беш йилга мўлжалланган стратегик Дастур ишлаб чиқишга кўмаклашди. Дастурни яратиш ишчи гуруҳига соғлиқни сақлаш, халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, маданият, адлия, ички ишлар, мудофаа, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва ноҳукумат ташкилотларининг вакиллари киритилган. Ушбу дастур БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича Дастури тавсияларига асосланган.

ПРООН, ЮНИСЕФ, БССТ, ЮНЕСКО, ЮНФПА, ЮНЭЙДС, БМТнинг наркотиклар бўйича Бошқармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда ОИТСни олдини олиш бўйича лойиҳа ва айрим тадбирларни амалга оширишда кўмаклашмоқда.

БМТ бош котиби Кофи Аннан сўзи билан айтганда, шафқатсиз ОИТС оламида сукут сақлаш ўлимни англатади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш ўринлики, халқаро ҳуқуқ нормаларига асосан касалликнинг қанчалик хавфли бўлишига қарамасдан, ОИВ/ОИТС билан оғриган шахсларга ҳеч қандай, масалан, ишдан айнан шу касаллик сабабли бўшатиш, яккалаб қўйиш каби тазйиқ ва камситишларга йўл қўйилмайди.

Даҳшатли вирус соғлом одамга наркотик моддаларни умумий шприц орқали истеъмол қилиш, тасодифий, тартибсиз жинсий алоқа йўли билан юқади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, касалликнинг бу тарика юқиши кейинги вақтларда ўсиб бормоқда. Бу эса аҳолининг асосий қатлами орасида ОИВ/ОИТСнинг кенг тарқалиши таҳдидини туғдиради. Бундан ташқари, бу касаллик сифатсиз тиббий хизмат орқали қасал онадан ҳомилага ёки сут орқали эмизикли болага юқади.

Ҳозирги кунда жаҳон бўйлаб кенг тарқалган бу касалликни даволаш ва олдини олиш вакцинаси топилгани йўқ. Иммунитет танқислиги ошиши билан нафас йўллари, ўпка, меъда-ичакларда, мияда ва бошқа муҳим аъзоларда турли бактериялар, вируслар, замбуруғлар ривожланади ва хилма-хил касалликлар келиб чиқади.

ОИТС марказий нерв системасини ҳам зарарлайди ва натижада ақли заифлик келиб чиқади. ОИТС касаллиги юз фоиз ўлим билан тугайди.

Бундай ҳолат Қуролли Кучлар раҳбариятини ҳам ташвишлантирмоқда. Шахсий таркиб орасида бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида БМТ Тараққиёт Дастури ва республика Мудофаа вазирлиги томонидан «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ОИВ/ОИТСнинг олдини олиш дастурини тайёрлаш бўйича» Лойиҳа ишлаб чиқилди. Шу йилнинг июль ойидан ушбу Лойиҳани амалга татбиқ этиш юзасидан БМТ Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида келишув имзоланди.

Лойиҳа маърифий характерга эга. Унга кўра, бир йил давомида Қуролли Кучларда мунтазам ҳаракатдаги ОИВ/ОИТСнинг олдини олишга қаратилган маърифий Дастур яратилиши керак. Маърифий жараённи икки йўналиш ва тўрт босқичда ўтказиш режалаштирилган.

Биринчи йўналишнинг биринчи босқичида маърифий жараённи ташкиллаштирувчи машғулот раҳбарлари тайёрланади. Бунинг учун Мудофаа вазирлиги Марказий аппаратидан тайёрланган офицерлар, ҳарбий ўқув юртларининг ўқитувчилари, шунингдек, сержантлар тайёрлаш мактаби, тиббий хизмат вакиллари, Вазирлик марказий аппарати ва ҳарбий округлар ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари офицерлари танлаб олинган.

Уларни тайёрлашда ОИВ/ОИТС профилактикаси бўйича етакчи халқаро ва миллий мутахассислар жалб қилинган. Семинарда йигирма йилдан зиёд ОИВ/ОИТС муаммоси билан Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тизимида шуғулланиб келаётган йирик мутахассис доктор Л. Н. Ходакевич (Москва), «Шарқ-Ғарб» ОИТС жамғармаси вакили В. Дите (Алмати), республика ОИТС маркази директори профессор М. Ҳакимов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дерматология ва венерология илмий текшириш институти директори профессор Н. Менгликулов, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг тери-таносил касалликлари кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори С. Арифов, республика СПИД маркази, наркология маркази, Тошкент юридик университетининг етакчи мутахассислари, «Сабо», «Соғлом авлод учун» нодавлат ташкилотларининг вакиллари иштирок этишди.

Маърифий жараённинг иккинчи ва учинчи босқичларида биринчи босқичда тайёрланган машғулот раҳбарлари ўз навбатида қисм ва қўшилма, гарнизон, округ даражасида машғулот раҳбарларини тайёрлайдилар. Бу босқичларда Лойиҳа раҳбарияти (Лойиҳанинг миллий координатори тиббий бошқарма бошлиғи, тиббий хизмат полковниги Р. Залялетдинов, Лойиҳа раҳбари заҳирадаги тиббий хизмат полковниги М. Мадаминов) ва Мудофаа вазирлиги Марказий аппаратидан бўлган машғулот раҳбарлари қуйи даражадаги машғулот раҳбарларини тайёрлашда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатади.

Иккинчи йўналиш моҳиятига кўра, ҳарбий ўқув юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабининг мураббийларидан иборат машғулот раҳбарлари ўқув дастури бўйича курсантларни бўлғуси машғулот раҳбарлари қилиб тайёрлайдилар.

Сўнгги, тўртинчи босқичда Дастур барча шахсий таркибни тайёрланган машғулот раҳбарлари ёрдамида ОИВ/ОИТС профилактикаси бўйича диалог услубида ўқитишни амалга оширади.

Лойиҳани амалга оширишда республикамизда жойлашган халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ўқув материалларини ишлаш, АҚШ соғлиқни сақлаш Департаментининг касалланишни кузатиш маркази кўрсатилган ишларни молиялашда ёрдам беради. БССТ маърифий жараённи китоблар билан таъминлаш ва молиявий ҳисса қўшишни ўз зиммасига олди. ЮНАЙДС эса ўқишлар ташкил қилишда услубий ёрдам кўрсатади. ПРООН Лойиҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида Қуролли Кучлар шахсий таркиби ихтиёрий ёки яширин ОИВ тестини топшириши, керакли йўл-йўриқлар билан таъминланишида Мудофаа, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимлари ўртасида биргаликдаги ҳаракатни ташкиллаштириш кўзда тутилган. Семинар иштирокчиларининг фикрига кўра, ОИВ/ОИТС ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш уни олдини олишда муҳим восита ҳисобланади.

Лойиҳа раҳбари заҳирадаги тиббий хизмат полковниги Марифжон Мадаминов шундай деди:

— Бўлиб ўтган семинар глобал муаммога бағишланган бўлиб, Лойиҳанинг асосий мақсадини, яъни, республика Қуролли Кучларида ОИВ/ОИТС профилактикаси Дастури ривожини таъминлашни етарли даражада офицерлар-машғулот раҳбарларига етказа билди. Семинарга соҳанинг етакчи мутахассислари жалб қилинганлиги ўқишнинг қизиқарли, шу билан бирга барчага бирдек тушунарли бўлишини таъминлади.

Ўқув семинарда Мудофаа вазирлиги марказий аппаратидан, Жануби-ғарбий мақсус, Шарқий, Марказий, Тошкент ҳарбий округлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучларининг етакчи офицерлари, олий ҳарбий ўқув юртларининг мутахассис офицерлари иштирок этишди.

Инобат ИБРОҲИМОВА, «Ватанпарвар» мухбири.

● «ЕНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ КЎРИЛМОҚДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига кўра мамлакатимизда 2003 йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача «Енғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Жумладан, ҳарбий округлар, гарнизонлар, қисм ва муассасаларда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар қизғин кетаяпти. Мудофаа вазирининг махсус буйруғи билан ҳарбий округларда ушбу ойликни ўтказиш бўйича комиссиялар тузилган. Қисм ва муассасалар командирлари, бошлиқлари ҳар ҳафта охирида натижаларни сарҳисоб қилиб бормоқдалар. Мавжуд камчиликлар тезкорлик билан бартараф этилмоқда. Биз билан суҳбатда Мудофаа вазирлиги Енғинга қарши кураш ва қутқариш ишлари бўлими бошлиғи подполковник Жўра Ҳамроев ушбу ойликнинг аҳамияти, жойларда режа асосида амалга оширилаётган тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Қиш мавсумининг кўнгилдагидек ўтишини ташкил этишда, енғин хавфсизлиги учун жавобгар шахслар томонидан кўрилган чора-тадбирларни назорат қилишда, камчилик ва муаммоларни бартараф этишда, шахсий таркиб ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришда енғин хавфсизлиги ойлиги бизга жуда қўл келмоқда. Енғинга қарши қаратилган тадбирларнинг ўз вақтида бажарилиши, йўл-йўриқларга қатъий риоя этиш жанговар шайликни таъминлашда, шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этаяпти.

Бўлимимиз ходимлари, гарнизонлардаги енғинга қарши кураш нозирлари ўз хизмат вазифаларини бажариш билан бир қаторда, гарнизон бошлиқлари, қисм ва муассасалар командирлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар. Ҳар бир масканни енғин хавфсизлиги қоидаси талаблари меъёрига келтиришда, мавжуд бирламчи ўт ўчириш воситаларининг ишлашини таъминлашда, шахсий таркиб ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришда уларнинг алоҳида ўрни бор.

Ойликка ҳарбий қисм ва муассасалар шахсий таркиби пухта ҳозирлик кўришди. Бино ва иншоотлар енғин хавфсизлиги қоидалари талабларига жавоб беради. Дастлабки ўт ўчириш воситалари ҳамда техникалари, енғинга қарши сув ҳовузлари, сув узатиш мосламалари шай ҳолда. Айниқса, подполковниклар — Озод Ибрагимов, Ўктам Кенжабоев, Баҳодир Қодиров, Эркин Қаландаров, Мавлон Юнусов бошлиқ ҳарбий жамоаларда ушбу йўналишда ибратли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

Енғин хавфсизлиги ойида режалаштирилган тадбирлар белгиланган, ижро этилаётган бўлса-да, бажарилиши зарур бўлган ишлар ҳали кўп. Ёз мавсумида масканларни ва уй-жойларни қиш мавсумига қандай тайёрлаганмиз? Тайёргарлик жараёнида нималарга эътибор бердик, нималар назаримиздан четда қолди? Бу саволларга жавобни қиш мавсуми давомида билиб оламиз. Мавсумнинг кўнгилдагидек ўтказилишини таъминлаш бевосита сиз билан бизга боғлиқдир. Фурсатдан фойдаланиб, енғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, ҳарбий масканлар ҳамда шахсий таркиб хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд муаммоларни тезда бартараф этиш, енғинга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш бизнинг бевосита бурчимиз эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Майор Азимбек УСМОНОВ суҳбатлашди.



Бўш вақти бўлди, дегунча, оддий аскар Руслан Юргинни қисм кутубхонасидан топасиз. Бу пособи ўзининг жанговар ютуқлари, мустаҳкам интизоми, юксак ахлоқи, маънавияти учун китобдан миннатдор. Айниқса, жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналаридан ўқишни хуш кўради. Сафдошларини ҳам доимо бу маънавий хазинага меҳр қўйишга ундаб келади.

— Армияда маънавий шаклланиш учун барча имкониятлар бор эканлиги мени қувонтирмоқда, — дейди оддий аскар Р. Юргин.

Александр МРУЧАК суратга олган.

Новости науки и техники

ПРОКАТИСЬ И ЗАТЯНИСЬ!

Менеджеры японской табачной компании пошли навстречу постоянным клиентам-курильщикам и поспособствовали появлению в Токио автобуса... для курящих. Оборудованный воздушными фильтрами трейлер курсирует по центру столицы, чтобы желающие могли выкурить сигаретку, а заодно и доехать до пункта назначения. Дело в том, что в прошлом году в столице Страны восходящего солнца был введен запрет на курение в общественных местах и на улице.

СОТУВГА БИР ОНДА ТАРЖИМА ҚИЛУВЧИ ТАРЖИМОН КИРМОҚДА

Шу вақтга қадар Болгария олимлари умуман нотаниш бўлган механик таржима соҳасида катта ютуқларга эришдилар. Улар «бир онда таржима қилувчи таржимонни» ихтиро қилдик деб таъкидлашмоқда. Агарда уни телефонга уласа, умуман нотаниш тилда гаплашувчи чет эллик шахс билан ортиқча муаммоларсиз гаплашиш мумкин экан.

Руса шаҳрининг бир гуруҳ мутахассислари бошчилигида турувчи Койчо Митевнинг патентида, оғиздан чиқарувчи товушлар рақам кодига айланади, улар эса нотаниш, бошқа турдаги тилга ўзгаради деб ёзилган. Бунинг устига буларнинг бари соннянинг қандайдир улушларида — микрокомпьютер ёрдамида бажарилади. Бунга қўшимча қилиб, ушбу ажойиб қурилма 2004 йилда сотувга чиқади, дея фуқаро Митев Болгария миллий телевидениеси орқали хабар беради.

ПЕРВАЯ СВЕЖЕСТЬ

Кировские микробиологи разработали принципиально новый способ хранения продуктов. Никакие химикаты при этом не применяются. В основе новой технологии лежит обработка продуктов высоким давлением. Выяснилось, что даже кратковременное воздействие давлением убивает микробов, и продовольствие долгое время остается свежим. К тому же такая обработка не вредит вкусовым качествам, не уменьшает содержание питательных веществ и не меняет внешний вид продуктов.

ТОШБАҚА ДИНОЗАВР БИЛАН САЙР ЭТАДИ

Амурск вилояти яқинида жойлашган Кундур посёлкасида Россия—Бельгия палеонтологик экспедицияси ишлари гаройиб топилма — динозаврлар, эрамиздан бир неча аср аввал яшаб ўтган тимсоҳ ва тошбақаларнинг қолдиқларини топишди. Бу ҳақда россиялик олимлар гуруҳининг раҳбарлари, геология-минерология фанлари номзоди Юрий Болотский шундай дейди:

— Экспедиция ишлари бир ойдан буён давом этмоқда. Бу эса олимларнинг таъкидлашича, бундан 4 йил муқаддам тасодифан очилган динозаврлар могонидаги «иккинчи десант»дир. Ўша вақтда Чита—Хабаровск федерал трассаси қурувчилари антиқа суякларни топишган эди. Благовешченскдан келган Юрий Болотский бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи бутунлигича сақланиб қолган темиркалпоқ гадрозавр қолдиқларини топишган. Россиялик палеонтологлар бу топилмани «Арҳараклик гигант оққуш» деб номлашган.

Бельгиялик палеонтологлар ўзларининг топилмалари — суякларни ўрганиб чиқиш ишларини биргаликда 2005 йилгача олиб боришлари ҳақида шартнома имзолашди. Брюссель университети тадқиқотчиси Оливье Ламлер ушбу экспедицияни ўта қизиқарли деб баҳолаб, динозаврнинг охирги яшаб ўтган давридан қолган суякларини топишга муваффақ бўлганлигини маълум қилади.

«ЭЛИКСИР «МОЛОДОСТИ» ПО-КОРЕЙСКИ

В Северной Корее создан напиток, который, как утверждают разработчики, замедляет наступление старости. В его состав входят экстракты дикорастущих грибов, корни белых колокольчиков, редька и картофель. Испытания показали, что новый тоник действительно повышает иммунитет, стимулирует обмен веществ и замедляет процесс старения. «Эликсир молодости» рекомендован людям старше сорока лет.

(По материалам Интернета).

● ЯХШИ ДАМ — ХИЗМАТГА ҲАМДАМ

КЎНГИЛЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРМОҚДА

Подполковник Ғайрат Жуманиёзов хизмат қилаётган мотоўқчилар қисмига шанба куни етиб келганимиз учун аскарларнинг дам олиш шароитлари билан танишишни режалаштирдик. Кўрганларимиздан эса қувондик — қисмда кўнгилли ҳордиқ учун етарли имкониятлар бор экан.

Ҳарбий қисм ҳудуди бўйлаб кетар эканман, саф майдонида тўпланиб туришган аскарларга беихтиёр эътибор қаратдим. «Наҳотки, дам олиш кунида ҳам саф машғулотлари давом этаяпти», дея ўйлаб ҳам улгурмасимдан, ҳаммаси ойдинлашди. Бўлинма шахсий таркиби ҳарбий спорт эстафетасини ўтказаётган экан. Капитан Жасур Йўлдошев бошчилигидаги тўпчилар дивизиони посбонлари ҳам чиниқиб, ҳам ҳордиқ чиқараётганлари қувонарли ҳол. Айниқса, жамоага келиб қўшилган ёш аскарлар хизматдошлари билан яхшироқ танишишлари, тўғрироғи, уларнинг ўзаро жипслашишлари учун имконият яратилгани аҳамиятга молик. Аммо, нега энди спорт майдончаси ўрнига саф майдони танлангани бизни бир оз ажаблантирди... Мусобақа натижасига келсак, катта лейтенант Фаррух Қодиров командирлигидаги батарея ғолиб чиқиб, ким эпчилроқ ва чаққонроқ деган саволга аниқ жавоб бера олди.

Қисм аскарлар клубидан эшитилаётган шўх мусиқа садоларини эшитиб, ўша томонга йўл олдим. Бинога кираверишда овоз кучайтириш мосламасини ўрнатаётган аскарга маслаҳат бераётган офицер—клуб бошлиғи капитан Рустам Ҳамдамов бўлиб чиқди.

— Дам олиш кунини ўтказиш режасига кўра, тушликдан сўнг видеофильм намойиш қилишга тайёрланаяпмиз, — дейди клуб бошлиғи. — Аскарларнинг кайфиятини кўтариш мақсадида замонавий эстрада ва халқ қўшиқларини эшиттирмоқдамиз. Китоб ўқишни ёқтирадиганлар учун кутубхонамиз очиқ.

Кутубхоначи Матлуба Холмамедова бу ерда уч йилдан буён хизмат қилиб, анча тажриба тўплаган. Китоблар стеллажларда тартиб билан териб қўйилган, столлар устида газеталар тахламлари. «Халқ сўзи», «Туркистон», «Правда Востока», «Ватанпарвар», «Молодежь Узбекистана» каби марказий нашрлар билан биргаликда маҳаллий «Зарафшон» газетаси, ҳатто «Шарқ юлдузи», «Тафаккур», «Қонун ҳимоясида» каби журналлар ҳам бор.

— Қисм бўйича «Ватанпарвар»га 227 киши обуна бўлган, — дейди Матлубахон. — Охирги пайтларда газетангизга обуна бўлишни тарғиб қилиш осонроқ кечаяпти, халқаро ҳаёт, республика янгиликларини тезкорлик билан чоп этасизлар, интернет тармоғидан унумли фойдаланаётганларингиз жуда яхши.

Илиқ фикрлари учун миннатдорчилик билдириб, қисм жамоасининг китобхонлик даражаси билан қизиқдим. Тегишли ҳужжатларга кўра, жами 172 абонент рўйхатга олинган, улардан 68 нафари офицерлар, 72 нафари шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар экан. Кўриб турганингиздек, ҳарбий профессионаллар орасида кўпроқ китоб ўқишга интилиш юқори бўлганлиги жуда қувонарли. Аммо, кутубхонада муаммолар ҳам йўқ эмас экан. Энг асосийси — давлат тилидаги китобларнинг камлиги. Китоблар жамғармаси 9281 та бўлса, ундан фақат 170 тасигина ўзбек тилидаги китобларни ташкил этади. Кутубхоначининг айтишига қараганда, яқинда Мудофаа вазирлиги Маданий ишлар хизмати бошлиғи ўринбосари подполковник Мақсуджон Абилов келиб, 120 та ўзбекча китоб топшириб кетган экан. Демак, камчиликларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар олиб борилаяпти.

— Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат йиғинлари учун кўчма кутубхона ташкил қилинган, — дейди Матлубахон. — Унга взвод командири катта лейтенант Ҳасан Холматов жавобгарликни ўз зиммасига олган. Ўқилган китобларни қайтариб, ўрнига янгиларни олиб кетади.

Китобхон абонементларини кўздан кечирганимизда капитан Рафаэл Ахмадулин, катта лейтенант Акмал Фармонов, сержантлар Ўктам Синдоров ва Андрей Абакумов, оддий аскар Саидфозил Саидаббосовларнинг фаоллигини алоҳида таъкидлашни лозим топдик. Зеро, мазкур жамоа вакилларининг маънавий юксалишга, маърифатга бўлган талабгорликларини ушбу фактлар яққол исботлаб турибди.

Алоқачилар взводи ётоқхонаси олдидан ўтганимизда, кўчага чиқарилиб қўйилган каравотларга кўзимиз тушди. Взвод старшинасининг айтишича, тўшакларни офтобга олиб чиқиб, хоналарга тоза ҳаво киритиш орқали шахсий таркибнинг шамоллаши олди олинмоқда. Яна бир ётоқхона олдида турникда тортилаётган зенитчи посбонлар экан. Бўлинма командири яқинда сафга қўшилган ёш аскарларни жиддий синаб кўриб, уларнинг жисмоний тайёргарлиги даражаси юқорилигига ишонч ҳосил қилди.

Қисм штаби олдида командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Маъмуржон Шукуровни учратиб, таассуротлар билан ўртоқлашдик.

— Режали ишнинг натижаси ёмон бўлмайди, — дейди майор М. Шукуров маълумотлар тахтасидаги дам олиш куни режасига ишора қилиб. — Ҳар шанба тарбиячи офицерлар билан маслаҳатлашамиз, режа тузамиз, командирга тасдиқлатамиз. Бу ҳужжат ижро учун асос бўлади. Сўнг тадбирлар ижросини таҳлил қиламиз, фаол тарбиячи офицерлар тақдирланади, айрим сабабларга кўра, бажарилмаган ишлар эса кейинги якшанбага кўчирилади.

Якшанба—дам олиш кунларини мазмунли ўтказишга эътиборсизлик билан қарайдиган ҳарбий жамоаларда интизом даражаси ҳам юқори бўлмайди. Шахсий таркибнинг тартиб-интизомини кучайтириш, жамоада янада соғлом муҳит яратиш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ўқув машғулотларида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишлари учун кўнгилли ҳордиқ албатта зарур.

Майор Аблай КАМОЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● ИЗ ОПЫТА СЛУЖБЫ ВОЕННЫХ ОРКЕСТРОВ

Музыкантский воспитанник

ЕГО РОЛЬ В КОЛЛЕКТИВЕ ОЧЕНЬ ВАЖНА

В одной из служебных командировок в отдаленном гарнизоне обратил внимание на то, что в воинской части не было своего оркестра. Командир посоветовал — где мне взять музыкантов, ведь их специально для Вооруженных Сил не готовят.

В качестве ответа на это хотелось бы рассказать об опыте, который имеется в военном оркестре части, где командиром подполковник Салаймахсум Шарипов. Этот музыкальный коллектив является одним из лучших в Вооруженных Силах. Во многом благодаря опоре на воспитанников.

Приказ Министра обороны Республики Узбекистан о введении института музыкантских воспитанников как раз и направлен для решения уже упомянутой проблемы. Просто в одних коллективах он работает на благо дела, а в других...

Известные многим слова «нам песня строить и жить помогает» вполне можно отнести и к военному оркестру части под управлением младшего сержанта по контракту Эрназара Аралова. Однажды довелось побывать на итоговой проверке у мотострелков, когда в первый же день задорная музыка оркестра способствовала успешной сдаче строевой подготовки. Да и назавтра бегущих к финишу трехкилометрового кросса воинов подбадривала веселая и ритмичная мелодия.

Впрочем, оркестранты показали проверяющим, что умеют не только дуть в трубу или барабанить, но и в строю хороши — со строевой песней «Жануб калкони» они получили отличную оценку. И потом музыканты наравне со всеми бегали, стреляли, сдавали ОПП, подтягивались на перекладине, надевали противогазы...

Оркестр в этом году занял первое место в Юго-Западном особом военном округе и достойно был представлен на Всеармейском фестивале «Мардлар қуриқлайди Ватанни».

Солисту — младшему сержанту по контракту Уктаму Чориеву — и всему оркестру вручена Почетная грамота за подписью Министра обороны — вновь первое место.

Младший сержант по контракту Эрназар Аралов с 1996 года в армии. До этого закончил музыкальное училище по классу валторны, одно время был художественным руководителем ансамбля «Зилола», потом преподавал музыку в школе, колледже.

— Здесь сначала была другая войсковая часть, — вспоминает Эрназар. — Когда она передислоцировалась, не стало и большинства музыкантов. И тут здорово помог приказ Министра обороны — набрал воспитанников, которых потом призвали сюда же на срочную службу, а позже они остались на службу по контракту.

Например, тромбонист рядовой Мухаммади Чориев стал солдатом именно таким образом. Пример односельчанина оказался привлекательным и для Анвара Ибрагимова — парень уже три года играет здесь на трубе, скоро и ему в армию. Наставником своим считает младшего сержанта по контракту Нурулло Норбаева, виртуозно исполняющего рулады на бас-трубе. С уважением относятся коллеги и к ветерану оркестра — барабанщику младшему сержанту по контракту Холмамату Азимову.

Здесь стоит особо подчеркнуть значимость введения такого понятия, как «музыкантский воспитанник». Ведь юноша не просто бесплатно обучается профессии музыканта, вместе с тем он всегда при деле и на виду.

Кстати, родители воспитанников очень благодарны военным за воспитание их сыновей.

— Мы с супругой Фатимой воспитываем четверых детей, — рассказывает Мухаммади Темиров. — Старший Орифжон всерьез увлекся музыкой, учится в Ташкенте по классу фортепиано. А вот Азиз решил стать воспитанником. Так вот пребывание в оркестре не только помогает ему любимую профессию осваивать, но и воспитывает. Ведь воинская среда дисциплинирует человека, прививает аккуратность и исполнительность.

В словах отца—оценка труда военных, в первую очередь младшего сержанта Эрназара Аралова. Педагог и музыкант по призванию — именно поэтому к нему тянутся не только юноши, но и опытные музыканты — он сумел создать творческую атмосферу тепла и взаимного доверия. И нет сомнений, что музыкантские воспитанники достойно продолжат дело наставника, где бы ни служили. И военная музыка в их исполнении будет вдохновлять воинов на успехи в ратном труде, радовать в праздники, поднимать дух в трудные минуты. Воистину, все преходяще — а музыка вечна.

Майор
А. АИНАТДИНОВ.

Мунажжимлар башорати

ҚЎЙ. Агар ҳафта бошидаги кўтаринки кайфиятни унинг охиригача сақлаб қолсангиз, ҳафта сиз учун омадли бўлади. Сизга қилинадиган хушомадлардан эҳтиёт бўлинг. Сафдошлар билан хизматдан ташқари муносабатлар тавсия этилмайди. Раҳбарлар қўллашига умид қилмай, фақат ўз кучингизга ишонинг. Якшанбада омад сизга кулиб боқади.

БУЗОҚ. Бу ҳафтада таваккал ишлардан ўзингизни тийинг — ишларингиз юришмаслиги мумкин. Сафдошларни қўллаб-қувватланг. Сешанбада барча ишларингиз муваффақиятли бўлади, қизиқарли учрашув ва ёқимли янгиликлар кутилмоқда. Жума куни дам олиш ва кучларингизни тиклашга ҳаракат қилинг. Энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган ишларга эътибор қаратинг. Яқинларингиз ҳам сиздан илиқлик ва эътибор кутишади.

ЭГИЗАКЛАР. Бу ҳафтада қилинадиган ишларни аниқлаштириб олинг. Командирлар томонидан берилган вазифаларни ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилинг. Аммо манманлик қилиб, жамоадан ажралиб қолмаслик чораларини кўринг. Хизматингиз бир маромда, яхши давом этади. Уйда келишмовчиликлар юзага келмаслиги учун сиздан меҳрибонлик талаб этилади.

ҚИСҚИЧБАҚА. Бажарилиши зарур бўлган ишлар рўйхатини олдиндан тузиб олишни одат қилинг. Умуман, бу ҳафта кўп масалалар бўйича сиз учун муваффақиятли келади. Хизматда сафдошлар билан кўпгина вазифаларни ҳал қилишга эришасиз. Уйдаги муаммоларга ҳам эътибор қаратинг. Баъзи ишлар сиздан чидам ва сабр-тоқат талаб қилиши мумкин.

АРСЛОН. Бу ҳафтада фаолиятингиз тури кескин ўзгариши мумкин. Бу ишингиз ўзгаради degani эмас, шунчаки янги мавзу ёки янги йўналиш пайдо бўлади. Сафдошлар ёрдамини қабул қилинг — бу сизга керак бўлади. Ҳафта охирида анча енгиллик сезасиз. Касбий маҳоратни ошириш ҳақида ҳам ўйлаб кўринг.

ПАРИЗОД. Бу ҳафтада ўз обрўингизни ошириш учун ҳаракат қилишга тўғри келади. Сиз ҳар қандай қийинчиликларни енга олишингизни командирлар ва сафдошларга исботлашингиз зарур бўлади. Яқинларингиз ва қадрдонларингиз билан баҳслашмасликка ҳаракат қилинг. Дам олишни режалаштириш ҳам сиз учун жуда муҳим.

ТАРОЗУ. Ушбу ҳафтада ақл-идрок овозига қулоқ тутишингиз зарур бўлади. Сиз кўплаб мулоқотларда бўласиз ва янги кишилар билан танишасиз. Ўзингиз ҳақингизда яхши таассурот қолдиришга ҳаракат қилинг. Ҳаётий қувватингиз ошганини сезасиз. Хизматдаги баъзи муаммолар ортда қолади. Сафдошларга эътиборли бўлинг.

ЧАЁН. Сизнинг баъзида қизиққонликка айланиб кетувчи фаоллигингиз, — ижобий фазилат. У моддий аҳволингиз яхшиланишида муҳим аҳамият касб этади, бироқ бу сафдошлар билан келишмовчиликларга бориш учун сабаб бўлмаслиги лозим. Ижодкорлик ва билим олиш учун вақт ажратиш фойдали бўлади.

ЎҚОТАР. Командирлар ёки сафдошлар билан баҳс-мунозарага йўл қўймаслик учун муомала қилиш санъатингизни ишга солишга тўғри келади. Куну тун ишда қолиб кетмасликка, хизматни бир маромда олиб боришга ҳаракат қилинг. Ута юқори масъулиятли вазифаларни бажаришни зиммангизга олманг — соғлигингизга зарар етказишингиз мумкин. Олдин ўйлаб, кейин сўзланг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Сизни яхши ҳафта кутмоқда, катта имкониятлар пайдо бўлмоқда. Ўйлаган орзуингиз рўёбга чиқиши мумкин. Хизмат бўйича ишларни шошилмасдан ҳал қилаверинг. Ташаббускорлик ва дадиллик кўрсатишингиз зарур. Фаолиятингизда сафдошлар, дўстлар ва яқинлар қўллаб-қувватлаши сизга таянч бўлади.

ҚОВҒА. Хизматда аввал баъзи сабаблар билан кечиктирилган режаларга қайтишга тўғри келади. Ҳафта давомида хотиржамлик, осойишта кайфиятни сақланг, шошқалоқликка йўл қўйманг. Сиз куч-қувватингиз ошганини сезасиз. Ишларингиз ўнгидан келаётган вақтда имкониятни қўлдан берманг.

БАЛИҚ. Сиз вазиятни осон бошқара оласиз, бироқ ўзингизга ортиқча зўр берманг. Қатъий ҳаракатлар вақти келди, бу ҳафтада сизнинг йўлингиз барча муаммолардан тозаланади. Ҳозир сиз учун имкони бўлмаган иш йўқ.

● ТУҲФА

„Тухумнинг қудрати“

Кулгунинг қудрати хусусида эшитганмисиз? Мириқиб кулган одам аллақанча тухум ёки аллақанча карам еган билан баробар бўлиши ҳақида-чи? Янглишмасам, кулгу дарғалари шундай дейишган. Ўзининг «Ҳўплам-тўплам», «Бўйдоқ аскар», «Ҳиринг-ҳиринг» каби китоблари билан кўплаб мухлислар орттирган иқтидорли ҳажвчи ва пародиячи, ҳарбий журналист подполковник Абдураззоқ Обрўев яқинда тухумнинг қудратини кашф этганини ҳам эшитмаган чиқарсиз, балки. Унда эшитинг. Абдураззоқ Обрўй қамишдан бел боғлаб, ана шу ишга жазм этди. «Кулгунинг қудратини-ку кашф этишган, аммо тухумнинг қудрати очилмаган «кўриқ эди», дейишмоқда казо-казо алломалар.

«Истиқлол» нашриёти яқинда муаллифнинг «Тухумнинг қудрати» номли ҳажвий шеърлар, пародия ва интермедиялар тўпламини чоп этди. Ана энди англадингизми? Тўплам ҳақида ёзилган тақризда унинг навбатдаги кулги гулдастаси эканлигига ишора бор. Кулгунинг-ку кучини айтдик. Гулдастаники қанақа бўларкан? Изоҳ бериб ўтириш ортиқча. Уни мазкур гулдастадан баҳраманд бўлсангиз, биласиз. Аммо бир нарсани айтиб қўйишим мумкин. Анча вақтгача тухум учун сарфланиши керак бўлган «ақча»нгиз ҳамёнга қолади. Мана, масалан мен тўпламдан «Ковуш топилмайди», «Отчопардаги учрашув», «Ойликка етиб олсам» каби ҳазил шеърларни, «Каллангда нима бор?», «Барибир соғинаман», «Суперсурат», «Камтарлик» каби пародияларни, «Ғаройиб савдо», «Касал» сингари интермедияларни, «Биз томонга бир қараб қўй», «Айбдор» сингари ҳажвияларни ўқиб, шундай хулосага келиб турибман.

«Ватанпарвар» газетасининг бу фаол мухбирини жойларда ҳарбийларимиз ҳам яхши билишади. Ҳеч бўлмаса, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги мақолалари орқали танишади. Муаллифнинг «Тухумнинг қудрати» китоби Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллиги олдидан Ватанимиз ҳимоячиларига камтарона совғаси бўлди.

Яна бир нарсани айтишни унутибмиз. Ҳозирча мутахассислар ушбу кулгу гулдастасида қанча тухумнинг қуввати жо эканлигини узил-кесил аниқлаша олганлари йўқ. Тиниб-тинчимас Абдураззоқ Обрўй эса яна янги кашфиётлар, ижодлар сари интилмоқда. Биз ҳамкасбимизга ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Қаҳратон қиш тўшаб гиламин,
Оппоқ қорга бурканар замин.

СОЛИҚ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида «Ўзбекистонда солиқ ва солиққа оид муносабатлар тарихи» музейи очилди.

Музейга юртимиз ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши, солиқ муносабатлари тарихи, мустақиллик йилларида давлат солиқ органларининг шаклланиш ва ривожланиш даврларини акс эттирган ноёб буюм ва ҳужжатлар жамланган.

Юртимиз ҳудудида дастлабки давлат тузилмалари милоддан аввалги икки минг йилликда вужудга келганини ҳисобга олсак, ўлкамизда солиқ муносабатлари тўрт минг йиллик тарихга эга экани маълум бўлади.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Жорий йилнинг август ойида Тошкентдаги Гёте институти Мирзо Улуғбек туманининг марказий кутубхонаси билан шартнома тузди. Шунга мувофиқ ушбу кутубхона қайта таъмирланиб, замонавий ўқув залига айлантирилди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЗАЛИ

Тошкентда биринчи марта немис қироатхонаси 1994 йили Германиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси лойиҳаси асосида ташкил этилган эди. Мазкур лойиҳани амалга оширишни ўз зиммасига олган Гёте институтига элчихона томонидан 60 минг евро ажратилган эди. Шу асосда замонавий жиҳозлар билан таъминланган немис адабиёти, тарихи, унинг ўтмиши ва бугуни ҳақида тўлиқ тасаввур берувчи кутубхона Гёте институти негизида барпо этилади.

— Маънавий озиқ инсон ҳаётида жуда муҳим ўрин тутади, — деди Германия Федератив республикасининг Ўзбекистондаги элчиси Мартин Хэккер. Шунингдек у, имкони борича кўп ўзбекистонлик талабаларнинг Германияга боришлари мақсадга мувофиқлигини, Германияда ўқиш Англиядагига нисбатан уч баравар, АҚШдагига нисбатан тўрт баравар арзонлигини таъкидлади.

Янги ташкил этилган ўқув залида беш мингдан зиёд адабиётлар, беш юздан ортиқ аудио-видео материаллар ўрин олган. Бу ердан фойдаланувчилар ўзлари хоҳлаган адабиётларни китоб жавонларидан олиб ўқишлари, керакли маълумотларни қўлда ёзиб ўтирмасдан шу ернинг ўзида нусха кўчирувчи машиналар ёрдамидан фойдаланишлари мумкин. Тез кунларда Интернет тизимидан ҳам фойдаланиш имкониятига эга бўлишади.

«Туркистон—пресс».

● ТУРФА ОЛАМ

ЯНГИ РЕКОРД

Шу кунларда Куба пойтахтига хушхабар етиб келди. Кубалик фуқаро Хосе Кастелар ўраган 14,8 метрга тенг «Гавана» сигаретаси жаҳонда энг узун деб эътироф этилиб, «Гиннеснинг рекордлар китоби» га киритилган.

Бундай узун сигарани ўраш учун 58 ёшли Хосе Кастеларга 3 кило тамаки барглари керак бўлди, гарчи у мазкур ишга бор-йўғи 5 соат вақтини сарфлаган бўлса-да. Уста ҳисоблашича, у яратган «Гавана»дан одатдагидек 800 та тамаки ўраш мумкин эди.

Кастеларнинг билдиришича, у эришган ушбу натижада тўхтаб қолмоқчи эмас. У эндиликда узунлиги 20 метрлик сигара ўрашни режалаштирмоқда.

ЭНГ «ҚИММАТ» КИШИ

Голливуднинг машҳур режиссёри Стивен Спилберг ўз ҳаётини 1,2 миллиард долларга суғурта қилдирди. Шундай қилиб, у ер юзидаги энг «қиммат» кишига айланди. Суғурта соҳасидаги мутахассислардан бирининг билдиришича, бу жуда йирик миқдор бўлиб, кўп йиллик тажрибаларининг шоҳидлик беришига кўра, суғурта тарихида бундай «қиммат» киши бўлмаган.

Спилберг адвокатларининг айтишича, бордию у вафот этса, компания шунча миқдордаги маблағни тўлайди.

М. МАҲКАМОВА тайёрлади.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

ЭНИГА: 5. Тропик ва мўътадил минтақалардаги чучук сувларда тарқалган, тангасиз йиртқич балиқ. 6. Ҳарбий офицерлик унвони. 9. Арманистон футбол командаси. 10. Спорт буюмлари ишлаб чиқарувчи спорт фирмаси. 11. Само, осмон. 13. Коинот жисмининг фазода бошқа бир жисмнинг тортиш қуввати таъсирида қиладиган ҳаракат йўли. 14. Отлар подаси. 17. Ғарбий Европа дворянларининг графдан бир поғона паст унвони. 21. Пўлат ишлаб чиқариш иншооти. 22. Маълум бир уруғ авлодларининг келиб чиқиши ва ўзаро қариндошлик даражасини кўрсатувчи рўйхат. 23. Тошкент вилоятидаги шаҳар. 24. Шимолий ва Ўрта Европа қирғоқларига туташ денгиз. 25. Ақл, заковат. 26. Қўл билан отиб санчиладиган учи ўткир қурол.

БЎЙИГА: 1. Охота ва Япон денгизлари оралиғидаги орол. 2. Амир Темур томонидан Шаҳрисабзда бунёд этилган меъморлик обидаси. 3. Буғдой нави. 4. Асосан Волга бўйи қирларининг шимолида яшовчи миллат. 7. Бангладеш пойтахти. 8. «Чархпалак» сериали қаҳрамони. 12. Кулранг, пўлатсимон қаттиқ металл. 13. Пойтахтимиз вилоятидаги машҳур оромгоҳ. 15. Бир миллат, бир мазҳабга мансуб халқ. 16. Ҳарбий қисм. 17. Тропик Африка ва уларнинг атрофларида тарқалган териси қалин йирик ҳайвон. 18. Қўриқлаш, кузатиш. 19. Сут таркибидаги ширин modda. 20. Металлдан ясалган доира шаклидаги буюм.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 145-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 2. Шош. 4. Дўл. 6. Рок. 13. Рур. 15. Раф. 17. Гол.

БЎЙИГА: 8. Арк. 9. Пан. 10. Бол. 11. Тим.

БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 1. Машварат. 3. Будапешт. 5. Парабола. 7. Кинетика. 12. Керамзит. 14. Нюрнберг. 16. Логарифм. 18. Максвелл.

ШАКЛ АТРОФИ БЎЙИЧА: 19. Олмос. 20. Свифт. 21. Техас. 22. Садаф. 23. «Фируз». 24. Занжи. 25. Инерт. 26. Тосол. 27. Лочин. 28. Нўхат. 29. Тулки. 30. «Ивеко».

„РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН“

— под таким названием вышел в свет новый энциклопедический справочник на английском языке. Издание является совместным проектом Государственного научного издательства «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» и Информационного агентства «Жахон» при МИД Республики Узбекистан.

Книга, объемом в 360 страниц и более 400 цветных иллюстраций, представляет собой энциклопедическое собрание материалов, систематизированных в восемь тематических разделов, привлекающих внимание читателей к различным аспектам экономической, политической и общественной жизни Узбекистана. В справочнике нашли отражение богатая и самобытная культура узбекского народа, его традиции и обычаи.

Примечателен тот факт, что книга является уникальным изданием на английском языке и служит еще одним познавательным источником информации об Узбекистане для широкой читательской аудитории.

Известно, что данная книга под таким же названием ранее издавалась в 2000 и 2002 году на русском и узбекском языках.

Следует отметить, что к работе по переводу издания наряду с сотрудниками информационного агентства были приглашены и зарубежные специалисты. Среди них, преподаватель английского языка Университета Сиэтл (США) Натали Конзен, директор Центра «Хамкорлик» в Ташкенте Дэвид Байерз и другие.

Хочется надеяться, что данное издание станет полезным для широкого круга читателей и всех тех, кто желает поближе узнать Узбекистан.

Икболжон СОЛИЕВ,
ИА «Жахон».

Навбатдаги грант шартномаларига кўра, «Илм ёруғлиги» Марғилон ёшлар маркази биносининг замонавий жиҳозлаш ва таъмирлаш учун 36 минг 494 АҚШ доллари, Қўқон шаҳридаги кўзи ожиз болаларнинг бошланғич синфлари учун 9-мактаб интернати биносини замонавий жиҳозлаш ва таъмирлаш лойиҳаси бўйича 63 минг 371 АҚШ доллари миқдорида грантлари топширилди. Шунингдек, Фарғона вилояти аёллар ва ногиронларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш минтақавий ўқув марказини замонавий жиҳозлаш лойиҳаси бўйича 16 минг 141 АҚШ доллари миқдоридаги грант лойиҳалари топширилди.

Японияниng беғараз кўмаги

Пойтахтдаги Халқаро Бизнес марказида Япония ҳукуматининг кичик миқёсдаги ижтимоий лойиҳаларга беғараз кўмаги доирасида 176 минг 446 АҚШ доллари миқдоридаги грант шартномалари топширилди.

Маросимда сўзга чиққан Японияниng мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато амалга оширилган лойиҳадан мамнунлигини билдирди. Унинг қайд этишича, Япония ҳукумати йилдан-йилга Ўзбекистондаги кичик миқёсдаги лойиҳаларга молиявий ёрдамни кўпайтирмоқда.

«Туркистон-пресс».

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д. Кунаева, 21

Газета выходит по вторникам, четвергам и субботам.

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы: воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82, отделы: подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0424.